



XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA

2014-yil 11-sentabr, payshanba, 36 (564)-son

e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz



«ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!»

ПАРЛАМЕНТДА

Фракция давлат бюджетининг ярим йиллик ижросини кўриб чиқди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилишида Давлат бюджетининг 2014 йил биринчи ярмидаги ижроси кўриб чиқилди. Кун тартибидagi масала юзасидан молия вазири ўринбосари Мубин Мирзаев маъруза қилди

Фракция раҳбари Бахтиёр Якубов бошқарган йиғилишида мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати ижроси устидан парламент назоратини ўрнатиш Қонунчилик палатасининг устувор вазифалари сирасига киргани учун ҳам бу масала депутатлар корпусининг доимий диққат марказида туриши эътироф этилди. Маърузачи алоҳида таъкидлаганидек, Президент Ислом Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси мажлисида белгилаб берилган 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифа ва устувор йўналишларини амалга ошириш, шунингдек, иқтисодий ўрта муддатли ривожлантириш дастурларини давом эттириш шу йилнинг биринчи ярмида асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий ўсиш суръатларини сақлаш, барча соҳа ва тармоқларни янада мувозанатли ривожлантириш учун мустаҳкам асос яратиш имконини берди.



«ХАЛҚИМИЗНИНГ МАЪНАВИЯТИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ УЧУН АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ИШЛАРИМИЗ ЎЗ ҲОСИЛИНИ БЕРМОҚДА ВА ШУ ФУРСАТДАН ФОЙДАЛАНИБ, АЙТМОҚЧИМАН — БУ СОҲАДА ЭРИШГАН МАРРАЛАРИМИЗ БИЛАН БИЗ ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАСДАН, КЎПГИНА МАНАМАН ДЕГАН ДАВЛАТЛАРДАН ЎЗИБ КЕТГАНИМИЗНИ ЭНГ МУҲИМ ЮТУҒИМИЗ, ДЕБ ҲИСОБЛАЙМАН».

Ислом КАРИМОВ.

Ислохотлар натижаси ҳаётдаги ўзгаришларда яққол намоён бўлмоқда

О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва парламентнинг қўйи палатасидаги партия фракцияси аъзолари иштирокида ўтказилган амалий семинарда Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган тантаналардаги табригида атрофлича баён этилган фикрлардан келиб чиқадиган долзарб вазифалар муҳокама қилинди

БИЗ КИМИЗ, ҚАНДАЙ БУЮК ЗОТЛАРНИНГ, ҚАНДАЙ БУЮК МЕРОСНИНГ ВОРИСЛАРИМИЗ?!

Ғурур-ифтихоримиз манбаи

Андижон давлат университетида Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциядаги маърузасини ўрганиш ва ундан келиб чиқадиган асосий вазифаларга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Ўсмирлар — биринчи

Таиланда футбол бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатининг иккинчи турида шимолӣ кореялик тендошларига қарши тўп сурган ёш спортчиларимиз 3:2 ҳисобида ғалаба қозониб, «С» гуруҳида биринчи поғонага кўтарилдилар. Вакилларимиз мусобақанинг дастлабки учрашувида Непал терма жамоаси билан дуранг (1:1) ўйнашганди. Эътиборлиси, бош мураббий Александр Мочинцев иккинчи тур арафасида таркибга иккита ўзгартiriш киритган бўлиб, КХДР дарвозасига урилган голларга айнан ана шу алмаштиришлар натижасида майдонга тушган Суҳроб Нуриллов (2 та) ва Абдугани Ганижонов муаллифлик қилди. Бугун футболчиларимиз Қувayт терма жамоаси билан беллашади.



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йил 9 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқа ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	2206.81
1 Англия фунт стерлинги	3820.93
1 Дания кронаси	409.72
1 БАА дирҳами	641.42
1 АҚШ доллари	2355.69
1 Миср фунти	329.47
1 Исландия кронаси	19.91
1 Канада доллари	2164.16
1 Хитой юани	383.66
1 Россия рубли	63.80
1 Украина гривнаси	183.72
1 Малайзия ринггити	743.12
1 Польша злотийси	730.13
1 СДР	3542.91
1 Туркия лираси	1091.71
1 Швейцария франки	2528.38
1 ЕВРО	3114.92
10 Жанубий Корея вон	23.00
10 Япония иенаси	224.24



Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Норзулла СУЛТОНОВ:

«Мен санъаткор сифатида дунёнинг қайси бурчагида, қандай нуфуздаги концертда қатнашмайин, исми-шарифимга «Ўзбекистон» кўшиб айтилишини талаб қиламан. Жаҳон цивилизацияси башкирлардан бири бўлган Ватанимиздан фахрлими туйғуси бу. О'zLiDeP эса жонажон Ўзбекистонимизнинг дунёдаги энг ривожланган давлатлар қаторидан нуқсонсиз ўрин олишини ўзининг устувор мақсадларидан бири деб билади. Шунинг учун ҳам мен ушбу партияга қарийб 10 йил аввал аъзо бўлганман. Ҳар пайшанба кун эрталаб «XXI asr» газетаси билан танишар эканман, мамлакатимизнинг барча соҳаларда эришяётган ютуқлари қатори О'zLiDeP амалга оширяётган партиявий лойиҳалар самарасини кўриб қувонаман. Ахборот манбалари орасида барибир матбуотнинг ўрни бўлакча. Демак, бугунги совиимиз газетамга янги йил учун обуна бўламан. Сиз-чи?»

ИСЛОХОТ
Миллий бизнес тараққиётига камарбасталик




ЖАРАЁН
Қулай ишбилармонлик муҳити — салмоқли ютуқлар пойдевори



ҚУЙИ БЎҒИНЛАРДА
Лоқайдлик ҳеч қачон муваффақият келтирмайди



СЎНГИ САҲИФА
Тошкентдаги тарихий чемпионат



ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСМИЗ

1989 йилнинг кеч кузи эди. Вилюят марказий шифохонаси жарроҳлари тавсияси билан аҳволи жуда оғирлашиб қолган қариндошимизни хирургия илмий маркази Тошкент филиалига олиб келишга мажбур бўлгандик. Ваҳоланки, ҳатто соғ одамга ҳам салкам олти юз чақирим йўл босиш оғирлик қилади

XXIII КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК?

Пойтахтга етиб келганимизда юрак етишмовчилиги билан оғирган беморнинг аҳволи жуда оғир эди. Хайриятки, узоқ давом этган операция муваффақиятли якунланди. Гарчи беморга профессионал даражада хизмат кўрсатилган бўлса-да, республикамиздаги энг нуфузли шифохоналардан бирининг ташқи кўриниши анчайин ноҳуш таассурот қолдирганди, ўшанда. Яқинда мазкур ихтисослаштирилган хирургия марказига яна йўлим тушди. Ўша кезларда нураб турган шифохона ўрнида қад ростлаган замонавий иншоотни кўриб, хайратимни яшира олмадим. Ичкарига кирганимда эса энг сўнгги русумдаги тиббиёт воситаларини кўриб, яна бир қарра хайратга тушдим. Муассаса мутасаддиларининг айтишича, бу ерда кунига 30 дан ортиқ юқори технологик операция ўтказилар экан. Икки даврни солиштирар эканман, қалбимда истиклол берган имкониятлар учун шукроналик, ифтихор туйғулари жўш урди. Ҳақиқатан ҳам ўтган 23 йил мобайнида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасини янгилаш ва ривожлантириш йўлида амалга оширилган ислохотлар туфайли мамлакатимизда халқаро меъёрларга тўлиқ жавоб берадиган ихтисослаштирилган шифохоналар ҳамда уларнинг ҳудудлардаги филиаллари ташкил этилиб, аҳолига бепул, юқори малакали шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича мутлақо янги ва ноёб тизим шакллантирилганига яна бир қарра иқдор бўлдим.

О'zLiDeP веб-сайтида ўқинг!

Ёшлар ислохотларнинг фаол иштирокчиси

www.uzlidep.uz

МУНОСАБАТ



Фракция давлат бюджетининг ярим йиллик ижросини кўриб чиқди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Ўз мухбиримиз

Жумладан, 2014 йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулот ҳажми 8,1 фоизга ўсиб, инфляция даражаси прогноз параметрлардан ошмади. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 8,1 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,9 фоиз, қурилиш ишлари 17,4 фоизга кўпайиши эвазига барқарор иқтисодий ўсиш таъминланди.

Хисобот даврида машинасозлик ва металлчи қайта ишлаш, қурилиш материаллари, енгил саноат, тиббиёт, озиқ-овқат саноати каби тармоқларда жадал ривожланиш таъминланди, ишлаб чиқаришнинг умумий таркибиде йўналишларнинг улуши 2013 йилнинг биринчи ярмидаги 53,8 фоиздан 58,9 фоизга кўтарилди.

Иқтисодийнинг мустаҳкам ўсиш суръатлари мамлакат ташқи савдо айланмасининг 482,1 млн. АҚШ доллари миқдоридеги ижобий сальдосиде ўз ифодасини топди. Ўз навбатида, 2014 йилнинг I ярмида 506,4 мингтадан ортиқ жумладан, қишлоқ жойларда 303,2 миңга янги иш ўрни яратилди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз профицит билан ижро этилди.

— Давлат бюджетининг харажат қисмида асосий эътибор унинг ижтимоий йўналтирилганлигига қаратилганини айтиб ўтишимиз керак, — дейди О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Насим Алимов. — Яъни таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини мақсадли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, бюджетдан маблағ олувчиларнинг иш ҳақи, пенсия, стипендия, нафақалар ҳамда биринчи даражали тўловларни ўз вақтида молиялаштириш, бюджет маблағларининг фаза ижросини таъминлаш, уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари алоҳида эътироф этилди.

Фракция аъзолари партиянинг дастурий мақсадлари ва электротарифларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги «2013-2017 йиллар даврида сугорилмаган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси бўйича хисобот даврида амалга оширилган ишлар билан қизиқдилар.

Мутасаддиларнинг таъкидлашича, белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида бажарилиши натижасида 2014 йилда республика бўйича 295,6 миң гектардан зиёдроқ майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши кутилмоқда. Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига янгидан бошланувчи лойиҳаларнинг 109 таси бўйича смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, «Давархитектқурилиш» кўмитасининг ижобий хулосалари асосида тендер ҳамда танлов савдолари ўтказилиб, бош пуратчи ташкилотлар аниқланган. Бугунги кунда 150 та объектнинг барчасида қурилиш-монтаж ишлари олиб боришмоқда.

Бундан ташқари, ҳисобот даврида жами 57,4 млрд. сўмлик мелиоратив объектларда тизимли таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилиб, 6 743,9 км. коллектор, 198,3 км. ёпиқ-ётиқ дренаж тармоғи, 20 та насос агрегати, 63 та мелиоратив тик қудуқ, 469 та кузатув қудуғи, 430 та гидротехник иншоот таъмирланиб, режа кўрсаткичлар 110,0 фоизга удалланди.

Оқоридагилар билан бир қаторда ҳисобот даврида айрим бюджет муассасаларида маблағларнинг мақсадсиз сарфланиши, уларнинг ноқонуний ишлатилиши билан боғлиқ молиявий ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилаётганини муҳокамаларда депутатлар томонидан танқид остига олинди.

Қизғин баҳс-мунозараларда депутатлар бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ҳамда жойларда қонулар ижросини тўлиқ таъминлаш бўйича амалий тақлифларни ҳам билдирдилар.

Ийгилишда кўриб чиқилган масала юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

Янги қонун лойиҳаси муҳокамаси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамкорлигида «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Кўни палатанинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси раиси Б.Иминов, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари А.Ҳимматов, Қимматли қозғалар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази директори Б.Отахонов ва бошқалар янги қонун лойиҳаси аҳолининг бўш турган пул маблағларини мобилизация қилиш ва уни иқтисодийнинг турли соҳаларини молиялаштиришга йўналтириш орқали мамлакатимизда жамоавий инвестициялаш тизимини яратилиши рағбатлантиришда муҳим омили бўлишини таъкидлади.

Мамлакатимизда қимматли қозғалар бозорини ривожлантириш жараёни «Қимматли қозғалар бозори тўғрисида»ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 18 июндаги «Инвестиция фондлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 1998 йил 25 сентябрдаги «Инвестиция ва хусусийлаштириш инвестиция фондлари фаолиятини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги қонуни лойиҳасида инвестиция ва пай фондларини ташкил этишнинг асосий принциплари, улар иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фондлар фаолиятини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи, шунингдек, иштирокчилар соғи ва фаолият муддати бўйича пай фондлари фаолиятдаги чекловлар, фонд томонидан жалб қилинадиган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши ва пай фондларини ташкил этиш мақсадлининг асосини ўстатилган назорат механизмлари белгиланган.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»га мувофиқ ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳасида мақсад инвестиция муносабатларини тартибга солишдан иборат бўлиб, у иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий соҳаларда олиб борилаётган изчил ислохотлар жараёнида муҳим аҳамият касб этди.

Йиғилишда қонун лойиҳасини янада тақомиллаштириш юзасидан тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди.

С.ШОЕВА, ЎЗА мухбири.

Ислохотлар натижаси ҳаётдаги ўзгаришларда яққол намоён бўлмоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Тадбир қатнашчиларининг таъкидлашича, ҳар томонлама чуқур таҳлилларга асосланган мулоҳазалар, ташқи ва ички сиёсатнинг мазмун-моҳиятини акс эттирган пурмаъно гаплар, иқтисодийни янада юксалтириш, тинчлик-осойишталик ва маънавий қадриятларни кўз қорачиғидек асраш, айниқса, буюк келажак ворислари бўлмиш ёшларга қаратилаётган катта эътиборни яққол намоён этган самимий сўзлар бугун барча юртдошларимиз қатори О'зЛиДеР фаоллари, парламентдаги фракцияси аъзолари ва партия электроти вакиллари ўз зиммаларидаги масъулиятни янада тирақроқ ҳис этиш, олдимизда турган вазифаларни янада самаралироқ бажаришга ундамоқда.

— Давлатимиз раҳбарининг тавсияларидан келиб чиққан ҳолда жойларда аҳоли кенг қатламлари, аввало, электротар орасида тарғибот-тушунтириш ишларини янада кучайтиришимиз зарур, — деди О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Соҳибқирин Турдиев. — Бунда асосан кечаги даврни кўрмаган, ҳаётий тажрибаси етарли бўлмаган ёшларни йўлдан оздириш, истиқлолимизнинг маъно-мазмунини сохталаштириб, халқимизни тобеликага қайтаришга уринувчи қулар ва ҳаракатлар мавжудлигини унутмаслигимиз, уларнинг мақсад-муддаолари порлоқ келажакка раҳна солиш эканини навқирон авлодга аниқ мисоллар асосида кўрсатиб беришимиз керак.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганига қарамастан, Ўзбекистон иқтисодийнинг йиллик ўсиш суръати охириги 10 йил давомида 8 фоиздан ортиб, барқарор ривожланиб бораётганини камдан-кам давлатлар мисолида кўриш, кузатиш мумкин. Истиқлол йилларида мамлакат ялпи ички маҳсулотда тадбиркорларимиз улуши жадаллик билан ошгани ва бугунги кунга келиб умумиқтисодийнинг 55,8 фоизини ташкил этаётгани, мавжуд хўжалик субъектларининг 90 фоиздан ортигини кичик бизнес корхоналари ташкил этаётгани ва улар соғи 530 миңдан ортиб кетгани энг катта ютуқларимиздан.

Агар мустақилликни дастлабки йилларида иқтисодий-ётда экспортнинг улуши ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3,3

фоизни ташкил этган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 34 фоиздан ортиди. 1991 йилда мамлакатимизга 833,8 млн. долларлик хорижий инвестициялар жалб этилган бўлса, ушбу миқдор бугун 180 миллиард доллардан ортиб кетди. Унинг 60 миллиард доллардан зиёди бевосита хорижий сармоялардир.

90-йилларда экспортимиз асосининг 60 фоизини пахта толасини сотиш ташкил этган бўлса, эндиликда у 11 фоизга тушди. Саноат, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалар ташқи савдонинг етакчи тармоқларига айланди. Биргина кичик бизнеснинг экспорт ҳажми кейинги ўн йилда 10 бараварга ортиди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2 баробардан зиёд кўпайди. Бу мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 10 миллион кишига ёки 30 фоиздан ортиқ ўсганига қарамастан, жон бошига



Солиқ ЗОИР олган сурат



Шоира ХАЙДАРОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси.

— Мустақиллик йилларида Президентимиз ташаббуси билан тадбиркорларга кенг имкониятлар яратилди. Улар фаолиятини қўллаб-қувватлайдиган қонулар қабул қилинди. Бугунги ишбилармон мулк эгаси, ўз мулкни ўзи тасарруф этади. Ўзбекистон қисқа муддатда жаҳон бозорига харидориги бўлган мева-сабзавот етиштирадиган ва экспорт қиладиган давлатга айланди. Юртимизда юқори ҳосил бериладиган интенсив боғлар яратилиб, томчилатиб сугорилиш тизими жорий этилди. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, мамлакатимизда ҳар йил 16 миллион тоннага яқин мева-сабзавот етиштириляётгани ойдинлашди. Аҳоли жон бошига қарийб 300 килограмм сабзавот, 75 килограмм картошка ва 44 килограмм узум тўғри келмоқда. Бу ривожланаётган мамлакатларда бир киши учун тасвир этилган кундалик, яъни мақбул деб ҳисобланадиган истеъмол меъёридан уч баробар кўпдир.

Ҳақиқатан ҳам, қўлга киритилган ютуқларини санаб, адоғига етиб бўлмайди. Енгил саноатни олазимиз, озиқ-овқат, машинасозлик соҳаси деънисим, қайсинисини айтмайлик, барчасида жадал ривожланишга эришдик. Айниқса, юртимиз кўчаларидаги машиналар оқимини кўриб, кўзингиз қувнайди. Деярли ҳаммаси ўзимизники, Ўзбекистонники. Биргина Қашқадарё мисолида айтадиган бўлсак, ўтган даврда саноат соҳасида салмоқли натижаларга эришилганини кўришимиз мумкин. Жумладан, нефть ва нефть маҳсулотлари ишлаб чиқаришда етакчи ўринда турадиган «Муборакнефтьга», «Шўртаннефтьга», Муборак газни қайта ишлаш заводларида янги қувватлар барпо этилди. «Шўртангазким» мажмуаси, Таллимаржон ИЭС каби йирик корхоналар ишга туширилди. «Гиссарнефтьга», «Қўқумалоқга», «Шўртангазмахсулот» қўшма корхоналари ташкил қилинди. Бундан йигирма йил аввал вилоятда 250 та саноат корхонаси фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунда уларнинг соғи 2954 тадан ортиб кетди. Ушбу корхоналар экспортбон трикотаж матолари ва тайёр буюмлар ишлаб чиқармоқда. Ваҳоланки, илгари шу буюмларни «импорт» дея дўконларда ишлаб юрар эдик. Айни пайтда вилоятда 20366 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда.

Нодават секторининг Қашқадарё вилояти ялпи ҳудудий маҳсулотлари улуши қарийб 52 фоизга етгани ҳам диққатга моликдир. Мухтасар қилиб айтганда, мустақиллик бизга эркинлик ва озод ҳаётни, ўз шаънимиз, қадр-қимматимизни тиклаб берди. Ўзбек халқи ўзлигини англади. Миллий байрамларимизни катта тантана билан нишонлаш имкониятини яратиб берди ва бу эъзаётларни ҳеч нарса билан қийсда бўлмайди. Мамлакатимизда ислохот ислохот учун эмас, балки инсон ва фақат инсон учун хизмат қиладиган бўлди. Бугунги мулоқотда яна шундай аниқ мисоллар орқали истиқлолимиз аҳамияти хусусида фикрлашган партиядошларимиз чорак аср аввал бир туپ гўза ёки юз грамм пахта инсон ҳаётинан азиз бўлганини ёшларга тушунтириб бериш зарурлигини, бу борала халқ вакиллари савалган депутатлар зиммасига катта масъулият юклинишини алоҳида таъкидладилар.

тўғри келадиган гўшт истеъмолини 1,3, сут ва сут маҳсулотларини 1,6, картошкани 1,7, сабзавотларни 2 мартадан зиёд, меваларни қарийб 4 баробар ошириш имконини берди.

Бугунги кунда мамлакатимизда барпо этилаётган кўркам бино ва иншоотлар, мухташам қошоналар, улкан

саройлар, муаззам майдонлар, равон йўллар, маҳобатли кўприklar, республикамизнинг барча ҳудудларида қуриляётган замонавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар, ижтимоий объектлар юртимиз қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди, десак асло муболага бўлмайди.

Ушбу ютуқларнинг барчаси

муҳтарам Юртбошимиз томонидан узоқни кўзлаб, аниқ-равшан белгилаб берилган тарқиётнинг беш тамойили, халқаро доирада «ўзбек модели» деб тан олинган йўлнинг нақадар тўғри эканлигини яққол намоён этиб турибди.

Шу ўринда мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий жабҳада беқийёс ютуқларга

эришилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Биргина сайлов тизимидаги ислохотларнинг ўзидеки жамиятимиз нақадар эркинлашганини амалда тасдиқлаб турибди. Сайлов қонунчилигининг ҳуқуқий-демократик аъналарга мослиги, миллий сайлов тизимининг изчил ва босқичма-босқич либераллашуви натижасида кўппартиявийлик асосида икки палатали парламент шакллантирилди. Жамиятимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи қонун ижодкорлиги юзага келди. Айни кунларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларга қизгин ҳозирлик қўрилмоқда. Ушбу жараённинг мамлакатимизда вужудга келган янги сиёсий шароитда олдинги сайловлардан сифат жиҳатдан мутлақо фарқланиши, унда овоз бериш ҳуқуқига эга барча юртдошларимиз фаол иштирок этиши кутилмоқда.

Бунга, авваламбор, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»нинг қабул қилиниши ва изчил амалга ошириляётгани асосий омили бўлмоқда, десак хато қилмаган бўлмаймиз. Ваҳоланки, бўлажак сайловларда галабини таъминлаш партиядошларимиз олдида турган энг муҳим устувор вазифадир.

Талабалар форуми

Фаргона вилояти ҳокимлиги ва «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида танқид этилган тадбир ёшларнинг ташаббуси ва иштироки билан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий фаолиятини ошириш, уларни турли ёғ ва илазлардан асрашга қаратилди. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширишга қаратилган қўшма чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борала муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Фаргона давлат университетига ташкил этилган форумда Президентимиз Ислам Каримовнинг 2014 йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Урта асрлар Шарқ алоқалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидеги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциядаги маъруза ҳамда Ватанимиз мустақиллигининг 23 йилдигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи мазмун-моҳияти хусусида сўз юритилди.

Форум доирасида «Ёшлар диний экстремизм ва терроризмга қарши», «Диний экстремизм — тинчлик кушандаси» сингари мавзуларда ўтказилган давра сўхбатлари, уршурув ва мулоқотларда буюк аждоқларимизнинг ибратли ҳаёти, бой илмий-ижодий меросини ўрганишга, шунингдек, ёшлар ўртасида маънавий муҳитини соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

М.СУЛЯЙМОНОВ, ЎЗА мухбири.

«Шаҳрим — фаҳрим менинг»

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 22 августдаги фармонида мувофиқ Термиз шаҳри «Амир Темур» ордени билан муқофотланган эди. О'зЛиДеР Сурхондарё вилоят кенгаши шу муносабат билан «Шаҳрим — фаҳрим менинг» мавзуида давра суҳбати ташкил этди

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Лори, О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси аъзолари, партиянинг вилоят, туман (шаҳар) кенгашлари мутасаддилари, маҳаллий кенгашлар депутатлари, Давлат муҳофазат қўмитаси вакиллари, «Тадбиркор аёл» уюшмаси, Хотин-қизлар кўмитаси вакиллари, Термиз давлат университети профессор-ўқитувчилари, фаол талаба ёшлар, тадбиркор ва фермерлар иштирок этишди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда шаҳар аҳли ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳаларда салмоқли муваффақиятларга эришиб, тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатлик муносабатларини ривожлантириш, тарихий ва маънавий меросини асраб-авайлашга жиддий эътибор қаратмоқда.

Чиндан ҳам бугунги кунда Термиз мамлакатимизнинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент каби қадимий ва навқирон шаҳарлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашгани оддий ҳақиқатдир. Ўзбекистоннинг Яқин Шарқ мамлакатлари билан боғлиқ асосий автотранспорт йўли Термиз орқали

ўтгани, бу ҳам шаҳарнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этапти.

Давлатимиз раҳбари Термиз шаҳрига ҳар галги ташрифлари чоғида унинг бой тарихи, жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссасига ҳолисона баҳо бериб, маънавий қадриятларни тиклаш, шаҳар мейморчилигини ислох қилиш бўйича қимматли маслаҳатларини берадиган. Бу эса шаҳар учун янги истиқболлар очаяпти.

Термиз халқаро аэропортидан Ҳайратон кўпригигача бўлган 20 километрдан зиёд йўл кенгайтирилиб, тубдан таъмирланди. Термиз-Тошкент катта магистрал йўли бутунлай қайтадан барпо этиляпти. «Амир Темур» ордени мазкур шаҳарга давлат даражасида эътибор қаратиляётганлиги натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кундан-кунга ривожланмоқда.

Жумладан, «Грандшифер» Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонасида ташқи бозорда ҳам рақобатбардор қурилиш материаллари ишлаб чиқариляётган бўлса, «Nova phant» Ўзбекистон-Хиндистон, «Shindong Spinning

Termitz» Ўзбекистон-Жанубий Корея, «Inter Silk Pro» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхоналарида тайёрланаётган фармацевтика, ип-қанава маҳсулотлари юқори сифати, харидориги билан ажралиб туради.

Жорий йилда кичик корхона ва микрофирмалар, яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш хисобидан 3589 кишининг бандлиги таъминланди. Шунингдек, 38 та хизмат кўрсатиш объекти фойдаланишга топширилиб, 183 та янги иш ўрни яратилди. Ҳозирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий-ташқи улуши 67,8 фоизни ташкил этмоқда.

Шаҳарда кичик бизнес субъектларини молиявий аҳамият қаратилмоқда. Чунинчи, жорий йилнинг биринчи ярми давомида тижорат банклари томонидан 699 та тадбиркорлик тузилмасига 81433,5 млн. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилиши натижасида 1012 та қўшимча иш ўрни яратилди. Урта асрлар маданиятининг бетакрор намунаси

бўлмиш Мухаммад ал Ҳаким ат Термизий мажмуаси шаҳар кўркига кўрк қўшиб турган ноёб меъморий обидаларимиз бироқ, мустақиллигимиз шарофати билан ушбу мажмуа қайта таъмирланиб, халқимизнинг муқаддас қадамжоларидан бирига айлантирилди.

Изчилик билан олиб бориляётган бунёдкорлик ишларининг самараси ўлароқ, Термизга хорижлик сайёҳлар оқими тобора кўпайиб бормоқда. 2014 йилнинг ўтган ярми мобайнида 50 дан ортиқ хорижий мамлакатдан 1000 нафарга яқин, Ўзбекистоннинг турли шаҳар ва қишлоқларидан 16625 дан зиёд сайёҳ ташриф буюрганлиги фикримиз далилидир.

Тадбирда эътироф этилганидек, халқнинг маънавий-ахлоқий юксалишига хизмат қиладиган эзгу аъналарни оммалаштириш, жаҳон маданияти тамойиллари, умуминсоний қадриятлар асосида уларни янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиш бундан кейин ҳам О'зЛиДеРнинг дастурий вазифаларидан бири бўлиб қолади.

О'зЛиДеР Матбуот хизмати.

Миллий бизнес тараққиётига камарбасталик

Ўзбекистоннинг ривожланган демократик давлатлар қаторидан мустақкам ўрин эгаллашида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантириш, ишбилармонлар сафини янада кенгайтириш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш асосий омилардан бири экани ҳеч кимга сир эмас. Шу мақсадда кейинги йилларда мамлакатимизда соҳанинг ташкилий-ҳуқуқий асослари тубдан мустақкамланиб, ортиқча меъёрий ҳужжатлар бекор қилинди. Амалда қолдирилганлари эса соддалаштирилиб, сон жиҳатдан қисқартирилиши баробарида партиянинг электорати учун салмоқли имтиёзлар жорий этилди

Ҳамид КАМОЛОВ,
O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси масъул ходими

Бу ҳақда гап кетганда, Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниши билан вужудга кел-

O'zLiDeP ўз Дастури ва Сайловолди платформасидан келиб чиққан ҳолда оилавий тадбиркорлик ривожини янада жадаллаштириш, мавжуд шарт-шароитлардан самарали фойдаланиш ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий-сиёсий жиҳатдан жуда долзарблиги, миллий бизнес ва ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши, аҳоли

ган амалий тақлифларни иш-лаб чиқиш бўйича муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўзаро муштарак йўналишлар доирасида куч ва имкониятларни бирлаштириш мақсадида O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ташаббуси билан Савдо-саноат палатаси, Фермерлар кенгаши, «Агро-банк» АТБ ва «Микрокредит-банк» АТБ ўртасида махсус қўша қарор имзоланган.

Юқоридегиларга асосланган ҳолда оилавий тадбиркорликнинг афзалликларини аҳолига етказиш, шунингдек, бевосита оилавий корхонани ташкил этиш ва юритишга алоқадор барча тузилмалар тизимида олиб борилаётган тарғибот-тушунтириш ишларини янада кенгайтириш, миллий бизнеснинг янги шаклини бошламоқчи бўлганларга индивидуал ёндашиш, оилавий тадбиркорликка татбиқ этиш мумкин бўлган илгор тажриба ва инновацияларни оммалаштириш, оилавий корхонани ташкил этиш, юритиш, белгиланган имтиёз ва преференцияларга доир билимларини кучайтиришга амалий кўмаклашиш мақсадида «Мулкдор оила» лойиҳаси ўтказиб келинмоқда.

Кези келганда жойларда, биринчи галда, чекка ҳудудларда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда мавжуд, лекин етарлича эътибор қаратилмаётган ресурсларни ҳаракатга келтириш, соҳа ривожига тўсиқ бўлаётган муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг ечимини юзасидан асосланган тавсиялар тайёрлаш ушбу лойиҳанинг бош мақсади эканини алоҳида таъкидлаш лозим.

Уч йил давомида ўтказиб келинаётган лойиҳанинг ижо-

бий натижаларига тўхталаниб бўлсак, мазкур тадбирлар доирасида кейинги йилларда деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликларга асосланган субъектлар ҳамда ўз бизнесини бошламоқчи бўлган 5024 нафар талабгор учун оилавий тадбиркорликни ташкил этиш ва юритиш мавзусида туркум семинарлар ўтказилди. Қувончлиси, мутахассислар ушбу лойиҳа иштирокчиларининг умумий қиймати қарийб 26 млрд. сўмлик бизнес-режаларини молиялаштириш мақсада мувофиқ деб топишди. Қатнашчилар томонидан 286 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилиши натижасида жами 2010 та, шундан 588 та янги, 1422 та кўшимча иш ўрни яратилгани

субъектлари ҳамда ўз бизнесини бошламоқчи бўлган 3723 нафар талабгор иштирок этди. Улардан 975 нафари 30 дан зиёд йўналишда лойиҳанинг вилоят босқичида қатнашиш имкониятини кўлга киритган бўлса, пировардида 760 нафар иштирокчининг умумий қиймати 18 млрд. 445 млн. 250 минг. сўмлик бизнес-режаси молиялаштирилган бўлди. Яъни, имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Улар асосида жойларда банклар томонидан 406 нафар лойиҳа иштирокчисига бугунги кунда 7 млрд. 952 млн. 487 минг сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Хулоса қилиб айтганда, миллий бизнес тараққиётига



ган миллий бизнес шаклига алоҳида тўхталиш жоиз. Чунки шу қонун орқали яратилган имтиёз ва преференциялар аҳоли турли қатламларининг тадбиркорлик билан шуғулланиши, минглаб оилаларнинг турмуш шароитлари яхшиланишида мустақкам замин бўлмоқда.

Куйидаги рақамлар ҳам юқоридаги фикримиз нечоғли ҳаётий эканини кўрсатиши мумкин. Хусусан, мазкур ҳужжат қабул қилинган 2012 йилда Ўзбекистонда 427 та оилавий корхона фаолият бошлаган бўлса, 2014 йилда улар сони 3771 тага етди. Энг муҳими, шундан 3548 таси муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда.

бандлиги, турмуш тарзи сиёсатини таъминлаш каби мақсадларга эришишда жуда муҳим аҳамиятга эга эканлигини эътироф этади.

Бу борада партиянинг парламентдаги фракцияси, маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари томонидан оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий базаси, яратилган имтиёз ва преференциялардан оқилона фойдаланиш, хусусан, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун ва тегишли қонуности ҳужжатлари ижросини таъминлаш юзасидан узлуқсиз жамоатчилик назоратини олиб бориш, соҳа тараққиётига тўсиқ бўлаётган муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечимига қаратил-



истикболли партиявий лойиҳанинг амалий самарасидир.

Жорий йилда ҳам лойиҳани амалга ошириш ишлари қизгин давом этмоқда. Хусусан, май-июнь ойида бўлиб ўтган туман босқичларида деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликларга асосланган оилавий тадбиркорлик

камарбасталикни англатувчи мазкур лойиҳанинг амалий самарасини юқоридаги қисқача қисқардан ҳам кўриш мумкин. Демак, уларнинг қамровини янада кенгайтириш сайловчилар ишончини оқлаш йўлидаги залворли одимлар, десак ҳар томонлама тўғри бўлади.



Шундай яшар одатда фермер

Президент Ислам Каримов дунёвий тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган озод ва обод давлатимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланиб Алишер Навоий номидаги миллий богда ўтказилган тантанали маросимдаги табригига чуқур мамнуният ва юксак ғурур билан «Юртимизда яшаётган ҳар қайси ёшу қарин инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бошини баланд кўтариб, ягона Ватанимиз бўлмиш Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги оламшумул ишларда менинг ҳам муносиб ҳиссам бор, деб айтишга ҳақлидир» дедилар

Партия фаолининг совғаси

Сирдарё тумани «Олмазор» қишлоқ фуқаролар йиғини худудда замонавий футбол майдончасининг қуриб фойдаланишга топширилиши маҳаллий ёшлар учун байрам совғаси бўлди. — Юртбошимизнинг болалар учун барпо этиладиган ҳар бир иншоотни қалб қўрмиғини бағишлаб қуришимиз керак, у ерда шуғулланган болалар шундай имкониятлардан мамнун бўлиб, эзгу мақсад ва интилишлар билан янасин, деган гаплари менга қанот бўлди, — дейди O'zLiDeP фаоли, «Фортуна ИПКС» масъулияти чекланган жамияти раиси Муроджон Абдушохидов. — Футбол майдончасига Хитойдан келтирилган сунъий тўшмама ётқизилди. Туман ёшларидан таркиб топан «Истиқлол» жамоаси аъзоларига спорт кийим-кечаклари ва зарур анжомлар берилди. Шу ўринда М.Абдушохидов хайрли ишларга аввал ҳам қўл урганини айтиб ўтиш лозим. Масалан, 2006 йилда унинг саёб-ҳаракати билан туман марказида катта гузар қурилганди. Бир неча савло дўкон ва хизмат кўрсатиш шохбачаларидан иборат мазкур мажмуада айни пайтда 15 нафар йигит-қиз иш билан банд.

Янгибой КҶЧҚОРОВ,
«XXI asr»

Истиқлол йилларида қарийб беш баробар ўсган иқтисодий-ётимиз, тобора кенг микёс касб этаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, замонавий сервис, ижтимоий соҳаларда астойдил меҳнат қилаётган минг-минглаб ҳамюртларимиз қўлини кўксига қўйиб баралла шундай дея оладилар. Улардан бир қисми самарали меҳнати ва эришаётган ютуқлари билан мамлакатимиз мустақиллигини мустақкамлаш ҳамда иқтисодий қудратини ошириш, ёш авлодни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, жамоат ишларидаги фаоллиги билан умумхалқ иззат-ҳурматиغا сазовор бўлгани учун давлатимиз раҳбарининг фармонида биноан юксак мукофотлар билан тақдирландилар. Улар орасида қишлоқ мулкдори, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги «Амирхон» фермер хўжалиги бошлиғи, O'zLiDeP фаоли Отахон Қурбонниёзов ҳам бор.

Жўшқин Жайхун соҳили ва Кубатов этагидидаги Қиличбой қишлоғи азалдан шу азиз тупроқдан мўл-кўл пахта, таъми оғизда қоладиган оқновот қовчулар етиштирган, кетмоннинг дастасидан ҳам гужумлар ўстирган миришкор инсонлар маскани. Қишлоқ қилни қирқ

ёрадиган, ернинг тилини яхши биладиган шижоатли деҳқонлари билан доғ тарафган. Ёш Отахон ҳам бобосига «агроном, яъни зироат олими» бўлман, деганида пиру бадавлат қария дуо бераётиб, неварасини ташландиқ бир ерга бошлаб борган, «Сен мактабда муаллимларнинг имтихонидан ўтдинг. Энди менинг синовимдан ўтсан!» дея қўлга кетмон ва белқурак тутқазган эди.

Билағида кучи қайнаган азамат бир ҳафтада уч сотих ер очиб, омон келани ҳайдаб, маккажўҳори экади. Маълум вақт ўтиб, янги ер шунчалар мўл сўта ва жўҳори пояси тугадики, кўрган одамнинг ҳаваси келарди. Ёш йигит ҳосилдан келадиган фойда учун бармоқ буқади. Аммо чучварани хом санаган экан: ўроқда йўқ, машоқда йўқ тафтиш комиссияси раиси келди-да, тепасида туриб бор ҳосилни жамоа хўжалиғи сўт-товар фермасинга жўнаттиради. Уша оқшом Отахон тонгача ухлай олмади. Зиротачи бўлман, деган режасидан воз кечди. «Отам ҳайдовчи бўлиб ҳам оиламизнинг қора қозонини қайнатиб турибди-ку. Мен ҳам автомобиль йўллари техникумига кириман!» деган қарорга келди. Шундай бўлди ҳам. Мазкур соҳа иختисослигини эгаллаб, баҳоли қудрат насибасини териб юрди.

Мақоламиз қахрамони йигирма етти ёшга қадам қўйганида юртимиз мустақил бўлди. Мамлакатимизнинг барча жойларда бўлгани каби Амударё туманида ҳам фермерлик ҳара-

кати кенг қулоч ёйди. Бу ҳаракатни Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган пахтакор Ерлафас Бобонийёзов бошлаб берди. Утган йиллар деганида туманда Қурбонғали Бешбоев, Матназар Айтбоев, Улугбек Ҳозобоев, Нурулла Раҳимов, Роза Каримова каби пешқадам фермерлар авлоди етишиб чиқди.

Отахон Қурбонниёзов 2002 йилда улар сафидан мустақкам ўрин олиб, «Амирхон» фермер хўжалигини тузди. Унга 164 гектар ер бириктириб берилди. Шунинг 92 гектари гўза экиш учун ажратилди. Мулкдор, энг аввало, пахтачиликда фойдаланиладиган ерларнинг унумдорлигини ошириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун етарли техника сотиб олди. Айни кунда унинг қарамоғида 32 та трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик механизмлари бор. Иш қуроли сози бўлган фермернинг ошиғи ҳамиласи олчи эканини «Амирхон» фермер хўжалиғи фаолияти тўла исботлайди. Жамоада 93 киши ишлайди. Кўпчилиги O'zLiDeP бошланғич ташкилоти аъзолари. Отахоннинг ўзи 10-сон «Пахтакор» округидан туман кенгаши депутати бўлиш билан бирга туман Фермерлар кенгаши раиси, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими ҳам.

Амударё тумани ҳар йили Қорақалпоғистонда етиштирилаётган жами пахта хирмонининг тўртдан бир қисмини бунёд этмоқда. Бу ҳазил гап эмас. Бунинг учун пахта етиштириш билан шуғулланадиган 262 фер-

мер хўжалигининг ҳар бирида тажриба мактаби шакланган. Туманда наинки пахта, галла, пилла, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, балки хорж сармояларини ўзлаштириш, саноатни модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда ҳам қатор ютуқларга эришилмоқда. Шу боис туман ҳокими, Жўқорғи Кенгес депутати, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси Ражаббой Йўлдошев мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида Президент фармонида биноан «Меҳнат шuhrати» ордени билан тақдирланди. Айни ўша фармонга кўра, илгор фермер Отахон Қурбонниёзов «Шуҳрат» медалига муносиб топилди.

— Кейинги пайтда илгор фермер ўз иш фаолиятида янада янги, самарали саҳифалар очди, — дейди халқ депутатлари туман кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи етакчиси Мадамин Қозоқов. — Жамоа бешта янги соҳада иш бошлаб, балиқчилик, асаларчилик ва замонавий сервиснинг уч турида яхши натижаларга эришмоқда. Туманда 37 та бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатаётган бўлса, «Амирхон»даги БПТ уларнинг илгорларидан биридир. Туман кенгашидаги 11 нафар депутатимиз орасида «Амирхон»нинг раҳбари энг муҳим ташаббусларнинг муаллифи бўлиб келнётмоқда. Шоир сатрига ишора тарзида айтадиган бўлсак, шундай яшар одатда фермер!

ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСМИЗ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

23 йил аввал мавжуд бўлган фельдшерлик — акушерлик пунктлари ўрнида ташкил этилган, замонавий тиббиёт вოსиталари билан жиҳозланган ва умумий амалиёт шифокорлари биринчи тиббий ёрдам кўрсатаётган 3000 дан зиёд қишлоқ врачлик пункти халқимиз саломатлигини муҳофаза қилишга сафарбар этилган.

XXIII КИМ ЭДИГУ КИМ БҮЛДИК?

Юқорида тилга олинган республика иختисослаштирилган Хирургия маркази ҳамда унинг қошида Кардиохирургия мажмуасининг фаолият кўрсатаётгани юрак хирургияси соҳасида юқори технологияларни амалиётга татбиқ этиш, аҳолига кўрсатилмаётган тиббий ёрдам қўлимини кенгайтириш, иختисослашган кадрлар тайёрлаш учун қулай шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмаётганидан, бу эса, ўз навбатида соҳа тараққиётига хизмат қилаётганидан далолатдир.

Бундай хайрли ишлар тизимининг барча йўналишларига хосдир. Масалан, пойтахтдаги гематология ва қон куйиш институти қошида жорий йилда ўзак ҳужайралари билан даволаш маркази ташкил этилиб, сурункали ўсма касалликлари билан оғриган беморларни илк бор илик қўчириш амалиёти орқали даволаш йўлга қўйилди ва дастлабки 6 нафар ҳамюртимиз ана шундай операциядан сўнг ўзларини қайта туғилгандай ҳис эта бошладилар.

— Январь ойида кучли оғрик ва беҳолликдан сўнг мазкур шифохона мутахассисларига мурожаат этдим, — дейди Фарона вилоятининг Риштон туманида истиқомат қилувчи Муҳаммадали Рўзметов. — Шифокорлар менга миелома ташхисини қўйишди. Бу сурункали ўсма касаллик бўлиб, хасталик оқибатида қонда плазмацид ҳужайралари кўпайиб кетади. Анемия, бўйрак бузилишлари, организмдан қалб-цийнинг чиқиб кетиши ҳисобига сўяклар мўртлашиб қолиб, уни фақат илик қўчириш орқалигина даволаш мумкин экан. Ўзбекистонда илк мартаба ана шу амалиёт менда қўлланилди ва операция муваффақиятли ўтди. Бугун аҳволим яхши. Шифокорлардан беҳад миннатдорман.

Истиқлол шарофати билан эришилаётган бундай ютуқлар ҳақида гап кетганда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган умуммиллий дастурлар ҳамда уларнинг улкан амалий натижалари алоҳида тилга олиниши бежиз эмас. Чунки айни ушбу йўналишда республикамизнинг барча вилоятларида замонавий она ва бола скрининг ва перинатал марказлари тармоғининг ташкил этилгани оналар ва гўдақлар ўлимнинг уч баробардан зидда камайишини таъминлади. «Она ва бола скрининг» дастури амалга оширилиши натижасида туғма нуқсонли болалар дунёга келиши 1,8 баробарга озаиди. Бугунги кунда мамлакатимиз болаларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади. Ўзбекистон болалар саломатлигига эътибор жиҳатида ўн та ривожланган мамлакат сафидан муносиб ўрин олди. Мамлакатимизда шакланган «Соғлом она — соғлом бола» миллий модели Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишни самарали стратегияларидан бири сифатида эътироф этилди.

Айни пайтда пойтахтимизда тиббиёт академияси, педиатрия, фармацевтика, шифокорлар малакасини ошириш, Самарқанд, Андижон, Бухоро, Урганч, Нукус шаҳарларида тиббиёт институтлари фаолият кўрсатмоқда. Яқинда улар қаторига давлатимиз раҳбари қарори билан ана битта олай ўқув юрти — Тошкент давлат стоматология институти ҳам қўшилди.

Шу ўринда соҳа ривожини учун давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларнинг йилдан-йилга ортиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Агар 2012 йилда соҳа ривожини учун 2,8 триллион сўм, 2013 йилда 3,4 триллион сўм ажратилган бўлса, жорий йилда ушбу миқдор 4,3 триллион сўмга етказилди. Биргина 2013 йилнинг жорий ҳисобига йўналтирилган инвестициялар ҳажми 2010 йилга нисбатан 3,8 баробар ошди. Айни пайтда Президентимизнинг «2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустақкамлаш, оналар, болалар ва ўсимлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида»ги қарори асосида аҳоли репродуктив саломатлигини янада мустақкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мақсадида тиббиёт муассасаларининг модий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини юксалтириш, замонавий ташхис усулларини жорий этиш, аёллар, болалар ва ўсимлар касалликларини олдини олиш борасида 5 йилга мўлжалланган вазифалар ижросига киришилгани мамлакатимизда аҳоли саломатлиги давлат сиёсати даражасидаги ўта муҳим вазифа эканидан яна бир далолатдир.

Муҳтасар айтганда, тарихан қисқа давр ичида Юртбошимиз раҳнамолигида мураккаб, аммо фахрли йўлни босиб ўтиб, ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигимизни амалда намўён эта олдик.

Бундай муваффақиятларга эса оналари эъзозланган, болалари бахтиёр юртдагина эришилади!

Рисолат МАДИЕВА,
«XXI asr»

Ғурур-ифтихоримиз манбаи

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Республика Маънавият тарғибот маркази туман, шаҳар бўлиmlлари раҳбарлари, таълим муассасалари директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, кенг жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва ёшлар иштирок этган тадбирда истиқлол йилларида бой маънавий меросимизни асраб-авайлаш, жаҳон илм-фани, маданияти ва маърифати раванқиға улкан ҳисса қўшган буюк мутафаккирларимизнинг бебаҳо меросини ўрганиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Давлатимиз раҳбарининг юқорида эйкр этилган халқаро конференцияда маърузаси мазмун-моҳияти хусусида сўз юритилди. — Президентимиз маърузасида халқимизнинг маънавий кочалиш йўлидаги эзу интилишлари, дунё цивилизацияси ривожига беқийёс ҳисса қўшган улуғ ақлопларимизнинг ибратли ҳаёти, илмий-иждоий фаолияти, кашфиётлари кенг шарҳлаб ўтилган, — дейди Андижон давлат университети ректори Толибжон Маълумаров. — Маърузани атрофлича ўрганиш халқимиз, айниқса, ёшларимиз маънавиятини юксалтириш, уларда ўзликни англаш ва ғурур-ифтихор туйғуларини кучайтиришга хизмат қилади.

Анжуманда Президентимиз маърузаси асосида таълим муассасаларида маънавият дарслари доирасида машғулотлар ўтиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Мавзуга оид буклет ва услубий қўлланмалар тарқатилди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ, Ўза мухбири.



БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» 2014-yil 11-sentabr, payshanba, 36 (564)-son, www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

Лоқайдлик ҳеч қачон муваффақият келтирмайди

Партиянинг қуйи бўғини бўлган бошланғич ташкилотлар жойларда электорат манфаатларини ифодалайдилар, депутатлар эса уни амалда ҳимоя қилишади

Асхор ИСТАМОВ,
Бехзод ИСРОИЛОВ,
«XXI asr»

лар йиғилишларига киритилди.

Сессияларда қўрилган масалаларнинг 9 таси, доимий комиссияларда ўрганиб чиқилган масалаларнинг 18 таси бевосита қуйи бўғинлар савб-ҳаракатлари билан олиб чиқилган. Бундай натижалар эса депутатлар, партия кенгашлари ҳамда қуйи бўғинларнинг изланиши ва ташаббускорлиги эвазига юзага чиқаётди.

Шундай бўлиши табиий. Партия вилоят кенгаши депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори мудири Умида Рустамованинг айтишича, муайян масаланинг кенгаш мажлисида кўриб чиқиши ташаббускорлик билан аниқ маълумотларга таяниши зарур. Бинобарин, партия таянч бўғинлари фаолияти қанчалик такомилланишига эътибор қилиш зарур.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқадиган бўлса, партия вилоят, шаҳар ва туман кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари қуйи бўғинларга ҳар жиҳатдан кўмак бериб, уларнинг салоҳияти тўлароқ рўёбга чиқишига сезиларли ҳисса қўшаётганини кўришимиз мумкин. Айниқса, Гиждувон, Когон, Шофиркон ҳамда Жондор туманлари, Бухоро ва Когон шаҳарларида иш юритаётган таянч тузилмалар кўп масалаларда депутатлар билан яқин ҳамкорликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига ҳалал бераётган айрим камчиликлар ва нуқсонларни «БПТ – партия юқори ташкилоти – депутат» механизми воситасида бартараф этмоқдалар. Масалан, жорий йилда тегишли ташкилот ва идораларга 250 дан зиёд депутатлик сўрови йўлланиб, 40 нафар мансабдор шахс ҳисоботи эшитилгани, бир неча назорат-таҳлил текшируви ўтказилгани, уларнинг аксарияти БПТлар томонидан кўтарилган масалаларга тааллуқли эканини алоҳида қайд этиш жоиз. Шунинг баробарида кейинги 7 ой мобайнида партия электорати манфаатлари ифодаланган 20 та масала ҳақ депутатлар вилоят ва туман кенгашлари сессиялари, 34 та масала эса доимий комиссия-



ўтганига далил бўла олади.

Йил аввалидан буён 117 та янги қуйи бўғинга асос солинишига эътибор қилиш зарур. Бу маънода партия вилоят кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази томонидан ташкил этилган 300 дан зиёд урғун ва семинар ташкил этилган, уларнинг қарийб 70 фоизига вилоят ва маҳаллий кенгашлардаги депутатлар жалб этилган. «Оилавий тадбиркорликдан – мустақам оилага», «Мулкдор оила», «Диплом билан – бизнесга», «Ишбилармон талаба» ва бошқа партиявий лойиҳалар, кўрик-танловларнинг йил сай-

ётган тадбирларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳаётдаги ижобий натижаларни таъкидлаш баробарида партия ҳудудий кенгашлари, депутатлар ва БПТлар фаолиятида ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар мавжудлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Ҳозирда Бухорода 4 мингга яқин фермер хўжалиги, 14462 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти иш юритаётгани ҳисобга олинса, электорат ичига чуқур кириб бориш зарурлиги яққол аён бўлади. Бунинг учун эса бошланғич ташкилотлар етакчилари янада шижоатли бўлишлари зарур. Аммо айрим қуйи бўғин етакчилари асосан юқори органларга ҳисобот тайёрлаш билангина чекланиб қолганлар. Лоқайдлик эса ҳеч қачон муваффақият келтирмайди. Демак, БПТлар ишини тўдан жонлантириш кун тартибидagi энг муҳим вазифа эканлиги ҳамisha эътиборда туриши лозим.

ин оммалашиб бораётганини ҳам БПТлар фаолиятидан айри тасаввур қилиб бўлмайди.

Юқоридаги ижобий натижаларни таъкидлаш баробарида партия ҳудудий кенгашлари, депутатлар ва БПТлар фаолиятида ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар мавжудлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Ҳозирда Бухорода 4 мингга яқин фермер хўжалиги, 14462 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти иш юритаётгани ҳисобга олинса, электорат ичига чуқур кириб бориш зарурлиги яққол аён бўлади. Бунинг учун эса бошланғич ташкилотлар етакчилари янада шижоатли бўлишлари зарур. Аммо айрим қуйи бўғин етакчилари асосан юқори органларга ҳисобот тайёрлаш билангина чекланиб қолганлар. Лоқайдлик эса ҳеч қачон муваффақият келтирмайди. Демак, БПТлар ишини тўдан жонлантириш кун тартибидagi энг муҳим вазифа эканлиги ҳамisha эътиборда туриши лозим.

«Янгийўл» Гулшани

Навбахор туманидаги «Янгийўл» МФЙ ҳудудда истиқомат қилаётган хотин-қизлар орасида уйда ўтирган аёллар анчагина эди. О'zLiDeP фаоли Гулшан Олтинова томонидан ташкил этилган «Афросиёб Гулшани» хусусий корхонаси иш бошлагач, уларнинг 11 нафари доимий иш билан таъминланди.

— Корхонадаги БПТ раиси Г.Олтинованинг ёшлар ўртасида олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишлари самараси ўлароқ, корхона ишчи-хизматчилари ва шу маҳаллада яшовчи 16 нафар хотин-қиз О'zLiDePга аъзо бўлди, — дейди партия Навбахор туман кенгаши раиси ўринбосари Мақсуд Усаров. — Бундан ташқари, икки томонлама шартнома асосида ўқув-ишлаб чиқариш амалиётини «Афросиёб Гулшани»да ўтаган коллеж битирувчиларининг ҳам О'zLiDePга қизиқиши ортмоқда. Эътиборлиси, туманимизнинг турли ҳудудларида ўз бизнесини юритаётган ўнлаб сафдошимиз ишбилармонлик фаолиятида Г.Олтиновани ўзининг устози деб билади.

Тадбиркор раҳбарлигидаги бошланғич партия ташкилотиди О'zLiDeP вилоят кенгаши аёллар билан ишлаш бўлими ҳамда Сиёсий таълим маркази томонидан ўтказилган «Оилавий тадбиркорлик — фаровон оила асоси» мавзусидаги давра суҳбатиди хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларнинг фуқаролик жамияти қуришида фаол иштирокини таъминлашда оилавий бизнеснинг ўрни ва роли алоҳида таъкидланди. Шунингдек, мулкдорлар синфи эркинликларини ҳимоя қилишда жойлардаги БПТларнинг фаолигини ошириш, ўз бизнесини бошламоқчи бўлганларни қўллаб-қувватлашга қаратилган партиявий лойиҳаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида кенг тушунчалар берилди.

Дастурий мақсадлар рўёби

О'zLiDeP Балиқчи туман кенгаши таркибидagi «Мадина-97» МЧЖга фаолият юритаётган бошланғич ташкилот фаоллари савб-ҳаракатлари билан истиқлолимизнинг йигирма уч йиллигига бағишлаб «Ислохотлар — инсон манфаати учун» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Туман партия ташкилоти раисининг биринчи ўринбосари Гулнора Қодирова тадбиркорлар, маҳаллалар вакиллари, БПТлар раислари ҳузурида сўзга чиқиб, Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» мазмун-моҳияти, шунингдек, партиянинг амалга оширилаётган ислохотлар муваффақияти учун масъулиги, бинобарин, ҳар бир сафдошимиз дастурий мақсадларни рўёбга чиқаришда ҳаловат билмасдан ишлаши кераклиги тўғрисида муҳим фикрлар билдирди.



Тадбир ниҳоясида қуйи бўғиннинг энг фаол аъзолари — Клара Розикова, Марғуба Обидова, Халыхон Мамадалиева ва бошқаларга туман кенгашининг фахрий ёрликлари, эсдалик совғалари топширилди.

А.МУСУРМОНОВ.

Мустақиллик — бу ҳуқуқ

Мустақилликка эришишдан аввал дунёда эътироф этиладиган сиёсий ҳуқуқимиз йўқ эди. Юртбошимиз халқимизга ана шу ҳуқуққа эга бўлиш имкониятини яратиб берди. Миллатга мансуб бўлган сиёсий, маънавий, тарихий ва моддий мулкка соҳиблик ҳуқуқини ва уни фидокорона ҳимоя эта олиш салоҳиятини тўла рўёбга чиқарди. О'zLiDeP эса мустақил тараққиёт, Ватанимиз суверенитетини мустақамлаш ишининг изчил амалга оширилиши учун ҳаракат қилаётти. Зеро, партия ўзининг стратегик ва тактик вазифаларини ана шу устувор мақсаддан келиб чиққан ҳолда белгилаган.

Партия Янгиер шаҳар кенгаши ташаббускор БПТлар билан биргаликда «Бинокор» МФЙда ташкил этган «Мустақиллик — этаклик ҳуқуқидан бошланади» номли очик мулоқотда ана шундай фикрлар билдирилди. Тадбирда О'zLiDeP шаҳар ташкилоти раиси ўринбосари М.Холматов сайлов кампанияси арафасида қуйи бўғинлар ҳамда маҳалла фаоллари ҳамкорлигини янада кучайтириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди.

Б.ИСРОИЛОВ.

Кўнгилларни обод айлаб...

Бошланғич ташкилотимиз, яъни Шуманай тумани марказий поликлиникасидаги О'zLiDeP қуйи бўғини 15 нафар шифокор ва ҳамширани бирлаштирган. Қасбимиз тақозосига кўра ҳар кунни беморлар билан мулоқотда бўлаемиз. Шу боис дардманд одамлар меҳр ва эътибор, рўҳий далада муҳтожлигини яхши билаемиз. Бинобарин, фаолларимизнинг хайрли ташаббуси бир овоздан маъқулланди ва энг улуг, энг азиз байрам кунлари атрофдаги маҳаллаларда яшовчи ногирон болалар ва катталар, табаррук ёшдаги инсонлар ҳолидан хабар олиб, айём ила қўллаш, совға-саломлар тарқатиш каби ишларда аъзоларимиз, ҳамкасбларимиз астойдил жонбозлик кўрсатдилар.

Шуни ҳам қайд этишни истардим: «Соғлом бола йили» муносабати билан шифохона раҳбарияти ва БПТ кўшма иш режасини ишлаб чиққан. Унга асосан тиббий муассасида аҳоли саломатлигини мустақамлаш, турли касалликларнинг олдини олиш бўйича ҳамкорлик ва ҳамжихатликда иш юритилаётти.

Гулшод САПАРОВА,
БПТ қачисси, туман кенгаши депутати.

ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИҚМАТДИР ДУНЁ!

«Дўстлар фикридин ва душманлар макридин бепарволие жоиз эрмас ва бу иш надоматдин ўзга натижа бермас».

Алишер НАВОИЙ.

ЭЪЛОН

Европа Иттифоқи компанияларида малака оширишга муурожаатномалар қабул қилиш тўғрисида эълон

Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилаётган ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган «Бошқарув кадрларини ўқитиш дастури (БКЎД) —

Ўзбекистон кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари раҳбарларининг бошқарув салоҳиятини мустақамлаш» лойиҳаси (кейинги ўринларда — Лойиҳа) қуйидагилар бўйича муурожаатномалар қабул қилишни эълон қилади:



Management Training Programme MTP

— Ўзбекистондаги кичик бизнес корхоналари бошқарувчиларига;

— Қатнашчилар ёки лойиҳа томонидан ўзаро келишув натижасида танланган Европа Иттифоқининг 28 мамлакатидagi компанияларда малака оширишга.

Барча танланган иштирокчилар учун лойиҳанинг тренинг ва малака оширилишида қатнашиш бепулдир. Транспортга боғлиқ бўлган харажатлар (авибилет учун харажатлар бундан мустасно), шунингдек, Европа Иттифоқи мамлакатларида жойлашиш, виза ва сугурталаш харажатлари лойиҳа ташкилотчилари томонидан қопланади.

Талаблар

Кичик бизнес корхоналари учун:

1. Лойиҳа бўйича қамраб олинган иқтисодий секторларнинг ҳеч бўлмаса биттасида фаолият олиб бориши (қамраб олинган секторлар йўналишлари рўйхатини www.mtp.eu.uz веб-сайтида кўришингиз мумкин);
2. 100 фоизлик шахсий мулк корхонаси (Устав фонднинг камида 80 фоизи Ўзбекистон фуқаросига тегишли бўлиши);
3. Ўзбекистон бозориди камида 3 йиллик фаолият;
4. Камида 5 ва кўпи билан 200 кишилик ишчи-ҳодимнинг мавжудлиги;
5. Охириги йил (2013) мобайнида асосий фаолиятдан ҳосил бўлган фойдасининг ижобий бўлиши;
6. Компаниянинг 2013 йилдаги йиллик маблаг айланмаси камида 180 миллион сўм бўлиши;
7. Қарздорлик бўлмаслиги (шу жумладан, солиқ ва бошқа давлат бюджетига тўланадиган мажбурий тўловлардан).

Корхона бошқарувчилари учун:

1. Тугалланган олий маълумот;
 2. Жами иш стажы камида 4 йил;
 3. Ўз компаниясидаги бошқарув лавозимларида 2 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасининг мавжудлиги;
 4. Урта ёки олий поғонадаги бошқарув лавозимига эга эканлиги ва қўл остида камида 3 киши мавжудлиги;
 5. Инглиз тилини (ёки номзоднинг юборилиши мўлжалланган ЕИ мамлакатининг тилини) яхши билиши;
 6. Муносабатларга осон киришиб кетиш ва ўзини кўрсата олиш хусусиятларига эгалиги;
 7. Компьютер ва интернет саводхонлигининг яхши даражада эканлиги.
- ФАҚАТГИНА ушбу талабларга жавоб бера оладиган кичик бизнес корхоналари ва уларнинг бошқарувчилари/менеджерлари малака ошириш учун муурожаатномани тақдим қилиш ҳуқуқига эгадирлар.
- * Агар номзод сўнги 6 йил давомида хориждаги шунга ўхшаш малака оширишда иштирок этган бўлса, у мазкур талафотда қатнаша олмайдди.

Малака оширишга муурожаатнома тақдим қилиш учун керакли ҳужжатлар:

1. Сўровноманинг компания тарафидан имзоланган ва муҳрланган асл нусхаси;
2. Компаниянинг ташкилий тузилиши;
3. Компаниянинг буклети ёки «PowerPoint»даги қисқача тақдироти (қоғоз шакилда);
4. ЕИ компаниясининг таклифномаси (агар мавжуд бўлса);

5. Номзоднинг резюмеи;
6. Компаниянинг рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси ва Низом ҳужжатининг охириги талқини;

7. Корхонанинг бюджетдан қарзи йўқлиги ҳақидаги тегишли солиқ идорасидан маълумотнома;
8. 2013 йил давомида йиллик маблаг айлиниши ва фойданинг ижобий эканлигини тасдиқловчи маълумотномалар;
9. Компаниянинг ходимлар бўлиmidан берилган ва ишчи-ҳодимларнинг сонини тасдиқловчи маълумотнома;
10. Номзоднинг паспорт нусхаси;
11. Олий маълумот бўйича тегишли диплом нусхаси;
12. Камида 4 йиллик умумий иш стажини тасдиқловчи маълумотномалар;
13. Компаниянинг ходимлар бўлиmidан берилган, номзоднинг лавозимини ҳамда бошқарув тажрибасини тасдиқловчи маълумотнома (қўл остидаги камида 3 нафар ишчи-ҳодим кўрсатилган ҳолда).

Муурожаатномалар 2014 йилнинг 8 сентябрдан 30 сентябргача қабул қилинади.

Керакли ҳужжатлар ҳақидаги ва қатнашиш учун муурожаатномалар тақдим қилиш бўйича тўлиқ маълумотларни лойиҳанинг www.mtp.eu.uz веб-сайти ҳамда +99871 2335901, +99871 1506006 телефон рақамлари ёки mtp@mtp.eu.uz электрон манзили орқали олиш мумкин.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри-100047, Амир Темуэр проспекти, 4, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси (Мўлжал: Тошкент шаҳар ҳокимлиги).



Хизматлар лицензияланган

ИҚТИСОДИЁТ

ИЖТИМОИЙ ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

«Соғлом бола — баркамол келажақ» мавзuida давлат ижтимоий буюртмаларини жойлаштириш учун танлов эълон қилади

Танловда Ўзбекистон Республикасининг ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари қўриб «қиш учун қабул қилинади»

- кам таъминланган oilлар фарзандлари, ногирон болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш;
- тиббий маданиятни юксалтириш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш;
- ижтимоий кўмакка эҳтиёжман oilлар қизларни, турли oilмавий-маданий тадбирларга кенг жалб қилиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шaroит яратиш;
- ота-она қаровисиз қолган етим болалар, ақлий ёки жисмоний ривожланишида нуқсонлари бор болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш;
- «Бир болага етти кўшни ота-она» шiori остида болалар тарбияси учун oilла, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;
- ёшларда ватанпарварлик, тарихий ва маданий меросни ҳурмат қилиш тўғрисидаги шакллантириш.

1. Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши шарт: 1. Талабнома тақдим этилаётганлиги тўғрисида ННТ, фуқаролик жамиятининг бошқа институти ҳамда давлат ташиқоти раҳбарининг имзоси ва мўҳри билан тасдиқланган қўшма кузатув хати;
2. www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат ижтимоий буюртмаси лойиҳа талабномаси;
3. Ташиқотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, агар лойиҳа лицензияланган фаолиятни талаб қилса, лицензия нусхаси, Низом нусхаси киритилган барча ўзгариш ва қўшимчалар билан ташиқот мўҳри тасдиқланган шаклда.
4. «ННТ фаолиятининг қаролатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 14-моддасига мувофиқ, давлат органи ва ННТ, фуқаролик жамиятининг бошқа институти уртасида ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун ишларни бажариш ёки тадбирлар ўтказиш бўйича тузилган шартноманинг нусхаси;
5. ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтига ишларни бажариш ёки тадбирлар ўтказиш белгиланган худудий ёки соҳавий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурининг нусхаси.

Битта давлат ижтимоий буюртмаси лойиҳаси учун ажратиладиган маблағ миқдори — 25 млн. сўмгача.

Ҳужжатлар 2014 йил 2 сентябрдан 3 октябргача ҳар кун соат 9.30 дан 18.00 га қадар қабул қилинади. Танловда давлат рўйхатидан ўтган ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институти лойиҳалари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): «100035, Тошкент ш., Бунёдор шох кўчаси, 1-уй» манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институти лойиҳалари қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий сайтида танишиш мумкин. Маълумот учун тел: 239-26-76, 239-26-64.

ЭЪЛОН

ШАРТНОМА ТУЗИШ БЎЙИЧА ОММАВИЙ ОФЕРТА ТАКЛИФИ

ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 369-моддаси 1-қисмига асосан «Агробанк» АТБнинг кўчмас мулкларни сотиш тўғрисида шартнома тузиш расмий таклифига мувофиқ қуйидаги объектлар сотувга қўйилмоқда:

— Тошкент шаҳри, Яшнобод (Ҳамза) тумани, «Боку» кўчаси, 179-«а» уй манзилида жойлашган, умумий майдони 497 кв.м бўлган литер 0001 блок «А» маъмурий биноси;

— Тошкент шаҳри, Яшнобод (Ҳамза) тумани, «Боку» кўчаси, 179-«а» уй манзилида жойлашган, умумий майдони 372 кв.м бўлган литер 0003 «К» соғломлаштириш биноси.

Объектларнинг баҳоси: **972761000** (тўққиз юз етмиш икки миллион етти юз олти бир минг) сўм.

Тўлов шакли: пул ўтказиш ёки нақд пул орқали олдиндан **100** (юз) фоиз тўлаш шarti билан.

Шартноманинг бошқа шартлари билан танишиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 43-уй, «Агробанк» АТБнинг Банк операциялари бошқармаси. Тел.: **150-67-37, 273-25-19.**

Оммавий оферта 2014 йил 31 декабргача ўз кучига эга. «Агробанк» АТБ ушбу мулкни сотиб олиш учун биринчи бўлиб ақцепт йўлаган ҳар қандай юридик ва жисмоний шахс билан шартнома тузиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Хизматлар лицензияланган.

ШАРТНОМА ТУЗИШ БЎЙИЧА ОММАВИЙ ОФЕРТА ТАКЛИФИ

ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 369-моддаси 1-қисмига асосан «Агробанк» АТБнинг кўчмас мулкларни сотиш тўғрисида шартнома тузиш расмий таклифига мувофиқ нефть ва газ қазиб олишда фойдаланиладиган қуйидаги ускуналар сотувга қўйилмоқда:

1. Доимий ток электродвигатели П2-450-48л УХЛЗ, 500 кВт, 440 В ускунаси — 4 дона.

2. Доимий ток асинхрон электродвигатели КО-42-8, 32 кВт — 2 дона.

3. Уставой головник ускунаси — 2 дона. Ускуналарнинг баҳоси: **337 500 000** (уч юз ўттиз етти миллион беш юз минг) сўм.

Тўлов шакли: пул ўтказиш ёки нақд пул орқали олдиндан **100** (юз) фоиз тўлаш шarti билан.

Шартноманинг бошқа шартлари билан танишиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 43-уй, «Агробанк» АТБнинг Банк операциялари бошқармаси. Тел.: **150-67-37, 273-25-19.**

Оммавий оферта 2014 йил 31 декабрь кунигача ўз кучига эга.

«Агробанк» АТБ ушбу мулкни сотиб олиш учун биринчи бўлиб ақцепт йўлаган ҳар қандай юридик ва жисмоний шахс билан шартнома тузиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Хизматлар лицензияланган.



Шахзод НАЗАРОВ, Мансур АСЛОНОВ, «XXI asr»

Бугунги тезкор давр иқтисодиётини замонавий банк тизими-сиз тасаввур этиб бўлмайдиган. Таҳлилларнинг фикрига кўра, иштиқолнинг ўтган йилгача уч йилда мамлакатимиз иқтисодиёти 4,1, аҳоли ялпи даромади жон бошига 8,2 бараварга орттиришда самарали йўлга қўйилган молия тизимининг, хусусан, республикада фаолият кўрсатаётган 26 та тижорат банкининг муносиб ҳиссаси бор. «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки шулар жумласидандир. Мақсуд муассасанинг Навоий вилоят филиали фаолияти ҳам фикримизга далил бўла олади.

Масалан, 2014 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра банк кредит қўйилмалари ҳажми 45,6 млрд. сўмни ташкил қилди. Уларнинг асосий қисми узок мuddатли кредитлар бўлиб, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган. Бундай натижага эришишда, энг аввало, банкнинг ҳар бир ходими ўз вазифасига масъулият билан ёндашаётгани, мижозларнинг мурожаати, тушаётган таклиф ва мулохазаларнинг эътиборсиз қолмаётгани, банк хизматларини кўрсатишда кенг қўламда илғор технологиялардан фойдаланилаётганлиги бош омили вазифасини ўтаяти, десак хато қилмаган бўламиз.

Турмуш фаровонлигига йўналтирилган сармоялар

юртимиз ободлиги, хонадонларимиз тўкинлигига хизмат қилмоқда

Чунки айнан ана шундай тартиб ва эътибор туфайли мижозларнинг банкка бўлган ишончи ортиб, сони кўпайиб бормоқда. Айни кунда филиал ва унинг 4 та мини-банк орқали 29,4 минг нафар мижозга хизмат кўрсатишмоқда.

Банк ходимлари томонидан жойларда ўтказилаётган учрашув, давра суҳбати, мулоқот ва oilмавий ахборот воситалари орқали чиқишларда амалга оширилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари самараси уларақ мижозларнинг ишончи янада ортиб, банкнинг молиявий салоҳияти юксалтириб. Бу эса кредитлар миқдорини ошириш имконини туғдиришмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадлари учун банк томонидан 14,2 млрд. сўмга яқин миқдорда кредитлар ажратилган натижасида 210 та янги иш ўрни яратилгани бунинг амалдаги ифодасидир.

Банк томонидан Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 28 январдаги «Ноо-зиқ-овқат товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига асосан кичик бизнес вакилларига озиқ-овқат ва ноо-зиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ривожлантириш учун 8,5 млрд. сўм миқдоридидаги кредитлар ажратилди.



Сирож АСЛОНОВ (ўша) олган сурат

Бугунги кунда коллеж битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, уларни иш билан таъминлаш мумкин аҳамият касб этишмоқда. Ҳуқуқимиз томонидан яратиб берилаётган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиш, тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган имтиёзлар ҳам самарали фойдаланиш учун барча имкониятлар мавжуд.

Юртбошимизнинг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш бора-

сидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида филиал томонидан 81 нафар коллеж битирувчисини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш мақсадида имтиёзли шартларда узок мuddатли кредитлар ажратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, худудда аёл тадбиркорлар фаолиятини ривожлантириш бўйича ҳам филиал томонидан самарали иш олиб борилмоқда. Жумладан, ишбилар-

мон хотин-қизларга 1,4 млрд. сўмдан ортиқ миқдорда кредит ажратилиши туфайли кўплаб янги иш ўринлари яратилиб, шаҳар ва қишлоқларда аҳолини иш билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшилди.

Мухтасар айтганда, юқорида санаб ўтилган ҳар бир рақам остида инсон oilми, аҳоли турмуш фаровонлигига йўналтирилган маблағлар муҳассамаки, ушбу сармоялар пировардида она Ўзбекистонимиз тараққиётига хизмат қилмоқда.

САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

«Ёзинг иссиқ кунларида болалар ҳам, катталар ҳам музқаймоқни яхши қўриб истеъмол қиладилар. Бир қарашда уларнинг ҳаммаси сифатли ва мазалидек кўринади. Аммо аслида ҳам шундай-ми? Ушбу маълумотни харид қилишда нималарга эътибор бериш зарур?

Л.Нормуродова, Тошкент шаҳри.

— О'зДСт 961 давлат стандарти асосида ишлаб чиқариладиган музқаймоқлар сутли, сариёғли, қаймоқли, мевали каби турларга бўлинади. Кейинги вақтда ишлаб чиқарувчилар сариёғ ҳамда қаймоқ ўрнига музқаймоққа пальма ва кокос ёғларини қўшмоқдалар. Аслида мевёрий ҳужжат бўйича музқаймоқ тайёрлашда кокос ва пальма ёғларини маълум миқдорда қўшиш мумкин, холос. Шуларни эътиборга олган ҳолда истеъмолчиларга таркибда сариёғ ва қаймоқ бўлган музқаймоқни харид қилишни тавсия этишимиз.

«Икони бўлса, колбасанинг сифати ва сақлаш мuddати ҳақида маълумот берсангиз.

Н.Абдуллаев, Навоий вилояти».

— Колбаса — асосан пиширилган ва ярим дулданган ҳолда ишлаб чиқарилди. Пиширилган колбасаларни +2-6 даража ҳароратда, ўралган қобигига қараб 20 суткагача, ярим дулданган колбасаларни эса +2 даражадан +6 даражада, ўралган қобигига қараб 25 суткагача сақлаш мумкин. Таркибда крахмали ёки тузи мевёридан ортиқ бўлган, шунингдек, намлиги юқори колбасалар стандарт талабларига жавоб бериладиган маъсулот ҳисобланади.

Саволларга «Тошкент шаҳар синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси бўлим бошлиғи Васила Абдуллаева жавоб берди.

ЭЪЛОН

«ТУРАН КИМ-ЗЫЯТ САУДАСЫ» МЧЖ

Эллиқалъа тумани филиали томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади

- Қорақалпоғистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва ракобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2014 йил 27 августдаги 98-П, 99-П, 100-П, 101-П, 102-П, 103-П, 104-П, 105-П, 106-П, 107-П, 108-П, 109-П, 110-П, 111-П ва 112-П-сонли буйруқларига асосан Қорақалпоғистон Республикаси, Эллиқалъа туманида жойлашган қуйидаги давлат объектлари очиқ аукцион савдосига қўйилмоқда:**
1. «Тозабоғ» ОФИда жойлашган, 1989 йили қурилган, умумий ер майдони 74,34 кв.метр, қурилишти майдони 56,94 кв. метр ва фойдаланиш майдони 38,5 кв.метрдан иборат фойдаланилмай бўш турган «Жумабаев» ФАП биноси. Бошланғич баҳоси — 25235 030 сўм.
 2. «Амирбод» ОФИда жойлашган, 1989 йили қурилган, умумий ер майдони 100 кв.метр, қурилишти майдони 99,54 кв. метр ва фойдаланиш майдони 74,38 кв.метрдан иборат фойдаланилмай бўш турган «Г.Одилов» ФАП биноси. Бошланғич баҳоси — 51958 280 сўм.
 3. «Сарибий» ОФИда жойлашган, 1989 йили қурилган, умумий ер майдони 132,64 кв.метр, қурилишти майдони 132,64 кв. метр ва фойдаланиш майдони 103,68 кв.метрдан иборат фойдаланилмай бўш турган «Маданият» ФАП биноси. Бошланғич баҳоси — 43155 930 сўм.
 4. «Амирбод» ОФИда жойлашган, 1986 йили қурилган, умумий ер майдони 104,30 кв.метр, қурилишти майдони 104,30 кв. метр ва фойдаланиш майдони 76,50 кв.метрдан иборат фойдаланилмай бўш турган «Тивчилик» ФАП биноси. Бошланғич баҳоси — 53768 900 сўм.
 5. «Амирбод» ОФИда жойлашган, 1982 йили қурилган, умумий ер майдони 97,42 кв.метр, қурилишти майдони 97,42 кв. метр ва фойдаланиш майдони 69,44 кв.метрдан иборат фойдаланилмай бўш турган «Тўрт девор» ФАП биноси. Бошланғич баҳоси — 49966 470 сўм.
 6. «Тозабоғ» ОФИда жойлашган, 1982 йили қурилган, умумий ер майдони 142,0 кв.метр, қурилишти майдони 142,0 кв. метр ва фойдаланиш майдони 57,22 кв.метрдан иборат фойдаланилмай бўш турган «Маданият» ФАП биноси. Бошланғич баҳоси — 35658 700 сўм.
 7. «Сарибий» ОФИда жойлашган, 1989 йили қурилган, умумий ер майдони 119,22 кв.метр, қурилишти майдони 119,22 кв. метр ва фойдаланиш майдони 73,60 кв.метрдан иборат фойдаланилмай бўш турган «Эшчанов» ФАП биноси. Бошланғич баҳоси — 35340 740 сўм.
 8. «Навоий» ОФИда жойлашган, 1985 йили қурилган, умумий ер майдони 90,21 кв.метр, қурилишти майдони 90,21 кв. метр ва фойдаланиш майдони 57,76 кв.метрдан иборат фойдаланилмай бўш турган «Истиклол» ФАП биноси. Бошланғич баҳоси — 26378 730 сўм.
 9. «Қилчичоқ» ОФИда жойлашган, 1989 йили қурилган, умумий ер майдони 71,30 кв.метр, қурилишти майдони 71,10 кв. метр ва фойдаланиш майдони 52,26 кв.метрдан иборат фойдаланилмай бўш турган «Амударья» ФАП биноси. Бошланғич баҳоси — 20393 390 сўм.
 10. «Қилчичоқ» ОФИда жойлашган, 1978 йили қурилган, умумий ер майдони 32,0 кв.метр, қурилишти майдони 31,51 кв. метр ва фойдаланиш майдони 15,58 кв.метрдан иборат фойдаланилмай бўш турган «Оқ олтин» ФАП биноси. Бошланғич баҳоси — 11048 260 сўм.
 11. «Эллиқалъа» ОФИда жойлашган, 1988 йили қурилган, умумий ер майдони 90,86 кв.метр, қурилишти майдони 90,86 кв. метр ва фойдаланиш майдони 70,16 кв.метрдан иборат фойдаланилмай бўш турган «Эллиқалъа» ФАП биноси. Бошланғич баҳоси — 29734 990 сўм.
 12. «Қирқизқ» ОФИда жойлашган, 1988 йили қурилган, умумий ер майдони 80,64 кв.метр, қурилишти майдони 80,64 кв. метр ва фойдаланиш майдони 57,34 кв.метрдан иборат фойдаланилмай бўш турган «Қирқизқ» ФАП биноси. Бошланғич баҳоси — 25381 630 сўм.
 13. «Қирқизқ» ОФИда жойлашган, 1989 йили қурилган, умумий ер майдони 113,92 кв.метр, қурилишти майдони 113,92 кв. метр ва фойдаланиш майдони 92,76 кв.метрдан иборат фойдаланилмай бўш турган «Ҳамза» ФАП биноси. Бошланғич баҳоси — 25915 230 сўм.
 14. «Қилчичоқ» ОФИда жойлашган, 1989 йили қурилган, умумий ер майдони 70,08 кв.метр, қурилишти майдони 69,08 кв. метр ва фойдаланиш майдони 48,14 кв.метрдан иборат фойдаланилмай бўш турган «Пахтачи» ФАП биноси. Бошланғич баҳоси — 26956 730 сўм.
 15. «Сарибий» ОФИда жойлашган, 1985 йили қурилган, умумий ер майдони 79,71 кв.метр, қурилишти майдони 79,71 кв. метр ва фойдаланиш майдони 64,15 кв.метрдан иборат фойдаланилмай бўш турган «Сувҳороз» МВП биноси. Бошланғич баҳоси — 38826 370 сўм.
- Аукцион савдоси 2014 йил 11 октябр кун соат 12.00 да Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А.Темур кўчаси, 112А-уйда Қорақалпоғистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва ракобатни ривожлантириш давлат қўмитаси бошқаруви мажлиси раётида бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2014 йилнинг 11 октябр кунги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, тақририй савдолар 2014 йилнинг 27 октябр, 10 ноябрь, 25 ноябрь кунлари соат 12.00 да бўлиб ўтади.
- Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар:
- юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вақилининг алоҳида қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсонини тасдиқлайдиган ҳужжатининг нусхаси илова қилинган ишончнома;
 - жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вақил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вақилининг шахсонини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;
 - аукцион савдосида қатнашиш истагидида талабгорлар — мулк бошланғич баҳосининг 15 (он беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда савдо ташкилотичи «Туран-Ким-Зыят Саудасы» МЧЖнинг «Туран банк» Нукус филиалининг МФО 00585, СТИР 301273292, 20208000904792701001 / х/р.га тулашлари шарт.
 - Арзилар қабул қилиниши мазкур эълон чоп этилган кундан бошлаб савдо ўтказилиши белгиланган кундан бир кун олдин соат 18.00 гача ҳар кун (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А.Темур кўчаси, 112А-уй Қорақалпоғистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва ракобатни ривожлантириш давлат қўмитаси биноси, 117-хона ва Бўстон шаҳри, И.Алпабберенов кўчаси, 5-уйда қабул қилинади.
 - Аукцион якунлари савдо тугаган захоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади. Савдо голиби билан 20 кун ичида олди-сотди шартномаси имзоланади.
- Қўшимча маълумотлар: turan.kzs.kr.uz расмий сайт, телефон: (8-361) 222-00-84. Хизматлар лицензияланган. Лицензия: РР-0041.

«ТУРАН КИМ-ЗЫЯТ САУДАСЫ» МЧЖ

Тўрткўл тумани филиали барча тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни очиқ танлов савдоларига таклиф этади

Маъмуриятларнинг бошланғич баҳоси Тўрткўл тумани архитектура бўлими томонидан таъйинланган шарҳрозлик топшириги асосида белгиланади. Шаҳарозлик топшириги нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Талабгорлардан буюртма-савдоларни қабул қилиш мазкур эълон матбуотида чоп қилинган кундан бошланади ва 2014 йил 13 октябр кун соат 18.00 да тўхтатади.

Талабгорларнинг конвертлари Тўрткўл тумани ҳокимлиги биносида 2014 йил 14 октябр кун соат 14.00 да очилади. 2014 йил 14 октябр кун соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътибор этилган талабгор голиб деб топилди. Мазкур ер участкалари 2014 йил 14 октябр кунги ўтказилган танлов савдосида сотилмаган тақдирда, ер участкаларининг тақририй танлов савдолари 2014 йилнинг 12 ноябрь ва 12 декабрь кунлари соат 14.00 да Тўрткўл туман ҳокимлиги биносида ўткази-

Ҳаловат ва хавотир

ёхуд робот эволюцияси ҳақида айрим мулоҳазалар

Ақбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI asr»


Яқинда Гарвард университети тадқиқотчилари ўзи мустақил тарзда шаклини ўзгартира оладиган робот яратишга муваффақ бўлдилар. Жуда содда кўринишга эга бўлган ушбу «темир дастёр»ни тайёрлаш осон кечмаган, албатта.

1920 йилда чех ёзувчиси Карел Чапек томонидан илк бор тилга олинган «робот» термини XXI асрга келиб бутун бошли тизимнинг таърифига айланди, десак муболаға бўлмайди. Яқин-яқинларгача фантастик жанрдаги китоб ва кинофильмларда кўришга одатланганимиз — роботлар реалликка айланиб, ҳаётимизга кириб келмоқда. Улар ҳозирча тўла мукамал бўлма-са-да, анча-мунча соҳаларда инсониятга ёрдамчи ва ҳатто рақобатчига айланиб улгур-ишди. Бу — яхшими ёки аксинча? Саволга дабдурустдан жавоб бериш мушкул. Чунки улар инсоният тақдирини қайси томонга ўзгартириб юбориши ҳозирги ахтимо-ларга асосланган, холос.

Келинг, яхши ният қилайлик. Бугун роботларнинг сув ҳавзасини тозалаш, қорни қурашдан тортиб, футбол ўйнашигача гувоҳ бўлялми-ми. Жанубий Корея қамқоҳоналарида таъриб сифатида кўриқчилик вазифаси роботлар зиммасига юкланмоқда. Асосан кечалари йўлаклар бўйлаб юрувчи темир кўриқчилар шунчаки кузатишдан ташқари маҳбусларнинг гайриоддий ҳатти-ҳаракатларини видеоасмага қайд этиб бораёпти. Хуллас, «темир дастёр»ларнинг инсониятга кўмаклашаётганига оид мисоллар талайгина. Аммо масаланинг иккинчи томони ҳам йўқ эмас. Яъни, мутахассислар роботларни ҳарбий соҳада қўллаш хавфи эканлигини таъкидламоқдалар. Чунки айни пайтда ҳарбий мақсадлар учун фойдаланишга ихтисослашган турли русумдаги роботлар яратилаётгани хавотирга сабаб бўлаётир.

Ҳақиқатан ҳам дунё ҳамжамиятини робототехнологиянинг ҳарбий соҳада кенг қўлланилаётгани кўпроқ ташвишга солаётир. Мисол учун, Пентагон асримизнинг биринчи ўн йиллигида айни соҳага жуда катта маблағ сарфлагани сир эмас. Айрим мамлакатларнинг йиллик бюджетига тенг бўлган мазкур сармоянинг янги технологияларни ривожлантиришга йўналтирилаётгани бир жиҳатдан қувонарли. Бироқ иккинчи томондан ҳақиқат сароҳ тугилади. Нега ушбу ҳаражатлар туфайли дунёга келган имкониятлардан кейинги йилларда кўп кузатилиб, инсонлар ҳаётига хавф солаётган табиий офатлар — ўрмон ёнғинлари, сув тошқинлари, қуроқчилик ёки бошқа муаммоларни бартараф этишда фойдаланилмаётми? Нахотки инсон қўли билан кашф қилинган «темир одам»лар вақти келиб уни турли балою қазолардан асраш ўрнига зиён келтирса, деган ҳақиқат барчани бирдек ўйга солиши табиий.

Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас, дерсиз. Афсуски, халқаро доирада ташкил қилинаётган йирик сиёсий тадбирларда ҳам бу борада жуда кам гапириляпти. Асалнинг ози ширин, деганларидек, ушбу соҳанинг нозик жиҳатлари синчковлик билан ўрганилиб, унга меъёр ўрнатилса, фойдадан холи бўлмас, назаримизда. Буни англаган бир қатор мамлакатларда робот технологияларини ҳаётга жорий этиш қонунлар билан мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Хусусан, Жанубий Кореяда «Роботлар учун ахлоқий меъёрлар низоми» қабул қилиниб, бу билан ҳукумат одамлари ва роботлар ўртасидаги муносабатларни ягона тизимга солишни мақсад қилмоқда. Худди шунингдек, АҚШ жаҳон



“ Бугунги кунда робот ҳақида гап кетганда дастлаб Япония кўз олдимизда гавдаланади. Роботтехнология, умуман электроника соҳасида кунчиқар юрт олимлари эришган ютуқларни такрорлашга ҳожат йўқ. Бу мамлакат бежизга роботлар ватани, деб аталмайди. Япония муваффақиятларининг сири — давлатнинг соҳага алоҳида эътибор қаратаётганидир, албатта. Агар 2004 йилда давлат бюджетидан 3,1 млрд. иена ажратилган бўлса, 2010 йилда 2,14 трлн. иена, яъни 20 млрд. АҚШ доллари миқдорига маблағ сарфланди. ”

илмий ҳамжамиятини маиший ва ҳарбий роботлар фаолиятини муқобиллаштирувчи «Роботлар ахлоқий кодексини» ишлаб чиқишга чорламоқда.

Умуман олганда, ўтмишдаги иxtироларнинг барчаси инсонлар меҳнатиини енгиллаштиришга қаратилганини кўрамиз. Масалан, жаҳон цивилизациясига тамал тошини қўйган гилдирак ҳам шу мақсадда кашф қилинган. Эндилкида ҳаётимизни гилдираксиз тасаввур этиб бўладими? Тарихий манбаларда миллиондан аввалги 3500-3000 йилларда Месопотамияда яратилган гилдирак устида турган қурилмалар инсоннинг энг ишончли дастёрига айланди: автомобиль ва самолётлар оғиримизни енгил қилди-ю, лекин хавфсизлигини тўла таъминлай олмаяпти. Ҳар йили минглаб одамлар ўзи ихтиро қилган автоулов, поезд ёки самолётда бу дунё билан видолашмоқда. Худди шу маънода роботларнинг фойдали жиҳатлари билан бирга салбий томонларидан ҳам кўз юммаслик керак.

Бугунги кунда робот ҳақида гап кетганда дастлаб Япония кўз олдимизда гавдаланади. Роботтехнология, умуман электроника соҳасида кунчиқар юрт олимлари эришган ютуқларни такрорлашга ҳожат йўқ. Бу мамлакат бежизга роботлар ватани, деб аталмайди. Япония муваффақиятларининг сири — давлатнинг соҳага алоҳида эътибор қаратаётганидир, албатта. Агар 2004 йилда давлат бюджетидан 3,1 млрд. иена ажратилган бўлса, 2010 йилда 2,14 трлн. иена, яъни 20 млрд. АҚШ доллари миқдорига маблағ сарфланди. Шу боис мамлакат олимларининг изланиш ва кашфиётлари кўп йиллардан бери дунёни лол қолдириб келяпти. Энг муҳими, бундан давлат газнасига миллиардлаб маблағ келиб тушяпти. Иқтисодчиларнинг таъкидлашича, айни пайтда робот техникаси олди-сотдидан мамлакат 500 млрд. иена (4,2 млн. АҚШ доллари) фойда оляпти. Роппа-роса ўн йилдан сўнг бу кўрсаткични 6 трлн. иенга етказиш тахмин қилинаётир.

Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда роботлар савдоси ривожланиб бормоқда. Улардан, айниқса, спорт мусобақа-

ларида фойдаланиш урфга кирди. Шу йилнинг ёзида Бразилия яшил майдонларида бўлиб ўтган футбол бўйича жаҳон чемпионатида ҳам роботлар хизматидан кенг фойдаланилди. Бунга мамлакат ҳукумати жуда катта маблағ сарфлади, албатта. Аниқроғи, АҚШдаги робот ишлаб чиқарувчи компания билан 7,2 миллион долларлик шартнома имзоланган. Мазкур маблағ эвазига Бразилияга «PascBot» деб номланган роботлардан 30 таси етказиб берилди. Улар футбол майдонларидаги хавфсизлигини таъминлаш, яъни шубҳали объектларни аниқлашда ишлатилди. Бундай вазифадан илк бор 2002 йилда Афғонистонда, сўнгра Ироқ ва бошқа «қайноқ нуқталар»да фойдаланилганини айтиб ўтиш зарур.

Кейинги йилларда кунчиқар юрт олимлари нанороботлар яратишга қаттиқ бел боғладилар. Улар нанороботларни яратилиши инсоният ҳаётида янги давр очилишига ишонмоқдалар. Айниқса, митти роботлар XXI аср тиббиёти учун ўта муҳим янгилик бўлиши мумкин. Масалан, нанороботлар инсон организмидан аниқ бир нуқтасига дори-дармон етказишда кўл келади, деган фаразлар илгари суриляпти. Бу ерда гап инсон танасининг энг кичик катакчалари-га қариб бориб, тиббий препаратни ағдарувчи митти аравачаларга ўхшаш технороботлар тўғрисида кетяпти.

Яқинда Сукуба шаҳридаги Миллий институт тадқиқотчилари томонидан инсон мияси каби ишлайдиган наножи-смихтиро қилинган эса юқоридеги тахминлар асосли эканини исботламоқда. Мутахассисларнинг эътирофи таъкидлашича, Япония бу борада ҳам етакчи бўлиб қоляпти. Ҳозирги кунда мамлакатда амал қилаётган 37 млн. АҚШ доллари-дан ортқ маблағни қамраб олган «Хуманоид роботикс проект» дастури асосида яқин йилларда одам қиёфасидаги роботларни ишлаб чиқариш ва сотиш кўзда тутилган. Улар одамнинг энг яқин ёрдамчиси сифатида бозори чаққон «товар»га айланишига олимларнинг ишончи комил.

Айни пайтда жаҳоннинг кўплаб ривожланган мамлакатлари санатни тўла роботлаштиришни кўзламоқдалар.

Экспертларнинг таъкидлашича, 2020 йилга бориб Хитой санатои тўла роботлаштирилади. Ҳукумат бу борада қанча маблағ керак бўлса, шунча сарфлашга тайёр эканини маълум қиляпти. Зеро, расмий Пекин санатнинг муҳим соҳаларини роботлаштиришга 1 млрд. га яқин маблағ сарфлаётган бўлса, 2020 йилга бориб 6 млрд. сармоя кириши кўзда тутилган.

Фарб мамлакатлари орасида Буюк Британиянинг илгариллаб кетгани айтиляпти. Маълум бўлишича, бу ерда бутунлай янги моделини яратиш устидаги тажрибалар аллақачон бошлаб юборилган. Унда турли роботлар электрон қишлоқларда яшаб, бир-бирлари билан мулоқотга киришади. Механик цивилизациянинг робот-фуқаролари бир-бирларининг одатларини ўзлаштириш, нухса олиш орқали янги-ча маданият ёки таъбир жоиз бўлса, микроэволюцияга замин яратиши эҳтимолдан холи эмасга ўхшайди.

Кўпчилик мутахассислар роботтехнология ривожини шу зайдла давом этса, кўп ўтмай ишсизлик муаммоси кучайишидан хавфсирашаётгани бор гап. Хусусан, электроника маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи «Foxconn» компанияси 1 миллионга яқин робот-ни ёлламоқчи эканини эълон қилган эди. Маълумки, Тай-вандаги мазкур компания жаҳондаги энг йирик электроника ишлаб чиқарувчи корхона бўлиб, унинг заводларида 10000 га яқин завод ва 1,2 миллион киши меҳнат қилади. Компания бош директори Терри Гоунинг сўзларига қараганда, яқин йилларда яна 300 мингта янги робот ўрнатилиши кўзда тутилмоқда. Жорий йил охирига келиб эса улар сони 1 миллионга етади.

Эътиборли томони, «Apple» компанияси учун «iPhone» ва «iPad»ларни йиғадиган «Foxconn» компанияси фабрикаларида сўнгги беш йил ичида 17 нафар ишчи ўз жонига қасд қилган. Бу фабрикадаги иш шароитининг жуда ёмонлиги, иш куни 12 соатга яқинлиги билан изоҳланаёпти. Бу ерда ишчиларнинг ўзаро суҳбатлашиши ҳам ман қилинган. Бироқ компания фақат шу ваз туфайли роботларни тиклаштириётгани йўқ. Асосий

мақсад маошга сарфланаётган маблағни тежаш. Маълумотларга қараганда, «Foxconn» ходимлари ойига ўртача 2000 юань (300 АҚШ доллари) миқдорига маош оладилар.

Шу ўринда яна бир жиҳатга тўхталиш жоиз. Иш ўринларининг кескин қисқариб кетиши ёмон, албатта. Аммо роботлар инсон ҳаёти учун ўта хавfli бўлган жойларда, яъни шахталар, турли кимёвий объектларда беминнат меҳнат қила олишнинг кўз ўнгимизга келтирсак, бутунлай бошқача манзара намоён бўлади.

Танганинг икки томони бўлганидек, айрим Фарб мамлакатларида роботларнинг инсон устидан ҳукмронлик қилиши хусусида турли фикрлар пайдо бўла бошлади. Тўғри, бу фикр бир қарашда жуда жўн бўлиб туюлиши мумкин. Аммо кейинги пайтда мазкур соҳанинг етакчи мутахассислари сунъий онг яратилаётганини яширмаяптилар. 2030 йилга бориб сунъий онг инсон ақли билан тенглашиши мумкинлиги ҳақидаги фаразлар ҳам йўқ эмас. Бундай фаразларнинг юзага келишига башариятнинг тобора компьютер тармоқларига қарамлашиб бораётгани асос сифатида кўрсатилляпти. Яқинда япон мутахассисларининг инсон билан суҳбатлаша оладиган робот ихтиро қилганликлари ҳам юқоридеги фикрлар ҳақиқатдан йироқ эмаслигидан далолатдир.

Хуллас, роботлар XXI асрнинг энг муҳим кашфиётларидан бири сифатида фан тарраққиётига улкан ҳисса қўшмоқда. Аммо бир кун келиб инсон ақлу заковати билан яратилган роботлар инсоният устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатмаслигига ким кафолат бера олади?

Япония либералларининг янги бош котиби

Кунчиқар юртда янги ҳукумат шакллантирилди. Унга кўра, аввалги ҳукумат аъзоларининг катта қисми ўз лавозимларини сақлаб қолди. Эътиборлиси, янги таркибга беш нафар аёл киши киритилди. Бу ҳолатни ҳукумат вакиллари жамиятга хотин-қизларнинг мавқеини ошириш, шунингдек, 2020 йилга қадар давлат ишлари ва хусусий секторда аёл-раҳбарлар улушини 30 фоизгача етказиш кўзда тутилгани билан изоҳламоқдалар. Хусусан, иқтисодиёт, савло ва санат вазири Кейдзо Обути, адлия вазири Мидори Мацусима, ички ишлар ва коммуникациялар вазири Санаэ Такаити шулар жумласидандир. Шу билан бирга, Синзо Абэ ўз партиясида ҳам кадрлар алмашинувини амалга оширди. Унга мувофиқ, Садакадзу Танигаки Япония либерал-демократик партиясининг бош котиби этиб тайинланди. Таъкидлаш жоиз, Синзо Абэ 2012 йил Бош вазир сифатида сайланганидан сўнг биринчи марта ўз ҳукумати таркибидега ўзгартириш қилди. Япония матбуоти бу ўзгаришларни ҳукумат ички ва ташқи сиёсатда жиддий синовларга дуч келаётгани, хусусан, янги солиқлар жорий этилиши билан изоҳламоқда.

Эболага қарши кураш давом этади

Африкадаги Сетра-Леоне давлатида тўрт кунлик умумий карантин эълон қилинди. Бу вақт давомида одамларга уйдан ташқарига чиқмаслик таъқиқ этилган. Шу тариқа ҳукумат хавfli Эбола безагини эрта босқичда аниқлаш орқали унинг олдини олишга ҳаракат қилмоқда.

Ҳукумат буйруғига риоя қилиниши устидан назорат ўрнатишга 20 мингдан зиёд киши жалб этилган. Бирор бир шахсда касаллик билан боғлиқ белгилар кузатилса, у текширув учун Сетра-Леоне пойтахти — Фритаун шаҳридаги лабораторияга жўнатилади. Бу ерда текширув натижалари бир неча соатда маълум қилинади. Карантин ҳозирда Сетра-Леоненинг Гвинна билан чегарадош бир қанча шаҳарларида жорий қилинган. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, Эбола безагининг Фарбий Африкада 2000 дан зиёд киши ҳалок бўлган, яна 4000 га яқини ушбу касалликни юқтирган. Шифокорларнинг қайд этишича, ҳозирча эпидемия тарқалишини назорат қилишнинг иложи йўқ.

Водородли двигатель

2015 йилда машҳур Toyota ва Honda компаниялари водород двигателида ҳаракатланадиган автомобиллар серияли ишлаб чиқарилишини маълум қилди. Водородда юрадиган транспорт технологияси олдий ички ёнгиш двигателларидан ўзининг экологик тозаллиги билан фарқ қилади. Бунда ҳавога

чиқариладиган ягона чиқинди сув буғидир. Бироқ таъкидчилар табиий газдан водород олиш чоғида иссиқхона буғлари ажралиб чиқишини, улар глобал иссиқхона таъсир ўтказишини таъкидламоқдалар. «Бармоқсимон» батареяларда ишлайдиган арзон қурилма сувни электролизлаш, яъни уни водород ва кислородга парчалаш йўли билан табиатга зарар етказмаган ҳолда водород ишлаб чиқаради. Бунга ўхшаш бошқа генераторлардан фарқли равишда янги қурилма электродлари қимматбаҳо металллардан эмас, олдий темир ва никель аралашмасидан ишланган.

Айбдор албатта жазосини олади

Малайзия Бош вазири Нажиб Тун Раззоқ ҳукумат «Боинг-777» самолётининг Украинадаги авиацион компанияга доир маълумотларга эга эканлигини маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, текширув ишларини давом эттириш учун қиш келгунга қадар ҳалокат содир бўлган жойга бориш зарур. Бош вазирининг айтишича, қолган қурбонлар ва ҳалокат далилларини тўплашга бир неча ҳафта керак бўлади. Шунингдек, Нажиб Тун Раззоқ ўз нутқида Малайзия ҳукумати воқеага сабабчи бўлган айбдорларни жавобгарликка тортоқчи эканлигини таъкидлади. Бундан аввал, Голландия хавфсизлик кенгаши авиацион компанияга оғиб борилган текширув-қидирув ишларининг тахминий натижалари жорий йилнинг 9 сентябрида эълон қилинишини маълум қилган эди. Аммо ҳозирча кенгаш лайнер қулаши билан боғлиқ яқиний баёнотни ҳалокат санасидан бошлаб ҳисоблаганда бир йил ичида чоғ этишни мўлжалламоқда.

РЕКЛАМА

Ведущий производитель кровельных и гидроизоляционных материалов третьего поколения

Гидроизол для: **КРЫШИ ФУНДАМЕНТА БЕТОННЫХ ШВОВ**

Гидроизол не подвержен биологическому и химическому разложению, тлению и коррозии

www.saxiyhamkor.uz

Тел.: + (998 93) 592-78-15
+ (998 98) 128-09-01
+ (998 71) 248-05-41

E-mail: info@saxiyhamkor.uz

Адрес: ул. Уста-Ширин, Алмазарский район, ориентир: круг Жамий

СЎНГГИ САҲИФА

Тошкентдаги тарихий чемпионат


Пойтахтимизда эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича жаҳон чемпионати давом этмоқда

Шухрат ХЎЖАЕВ,
«XXI asr»

Шу ўринда ушбу нуфузли мусобақани ўтказиш бежиз бош кентимизга ишониб топширилмаганини айтиб ўтиш лозим. Зеро, бундан аввал спорт кураши бўйича катталар (1998 ва 2011 йилларда ўтказилган) ва ўсмирлар (2010) ўртасидаги Осиё чемпионатлари, шунингдек, 2000 ва 2004 йилги Олимпия ўйинлари доирасидаги саралаш баҳсларига мезбонлик қилган Тошкент бу борада анча тажриба тўплашга эришганди. Шунинг учун ҳам Халқаро спорт курашлари ассоциацияси — FILAнинг бундан тўрт йил аввал ўтказилган Конгрессида чемпионати қабул қилишга даъвогарлик қилаётган 12 та давлат орасидан айнан Ўзбекистон танлаб олинди.

Этиборлиси, мазкур чемпионат арафасида ўтказилган расмий тадбирлар давомида бир қатор тарихий қарорлар қабул қилинди. Хусусан, ҳамюртимиз, уч карра Олимпия чемпиони Артур Таймазов FILAнинг «Шон-шухрат зали»га қабул қилинган янги аъзолар қаторидан ўрин олди.

Бундан ташқари, Халқаро спорт курашлари ассоциацияси ҳисобот-сайлов йиғилишида FILA бундан буён Бутунжаҳон кураш иттифоқи (United World Wrestling) дея юритилиши эълон қилинди. Ўз навбатида, анжуман давомида Конгресс аъзолари сербиялик Ненад Лаловични Бутунжаҳон кураш иттифоқи раҳбарлигига сайлаганларини



Муҳаммад АМИН (У.А.) олган сурат

Мазкур чемпионат арафасида ўтказилган расмий тадбирлар давомида бир қатор тарихий қарорлар қабул қилинди. Хусусан, ҳамюртимиз, уч карра Олимпия чемпиони Артур Таймазов FILAнинг «Шон-шухрат зали»га қабул қилинган янги аъзолар қаторидан ўрин олди.

хам айтиб ўтиш керак.

Н.Лалович FILA бошқарувини бундан бир йил аввал, яъни спорт кураши турларини Олимпия ўйинлари дастуридан чиқариб ташлаш ёки олиб қолиш билан боғлиқ мурракб вазият юзага келган пайтда швейцариялик Рафаэль Мартинеттидан қабул қилиб олганди. Энг муҳими, ўтган давр давомида курашни олимпия оиласида сақлаб қолиш мақсадида бир қатор ислохотларни амалга ошир-

ган мазкур ташкилот (Халқаро Олимпия кўмитаси билан алоқалар яхшила-ниб, тартиб-қоидаларга ўзгартиришлар киритилди) ўз мақсадига эришди: 2013 йил сентябрида ХОКнинг Буэнос-Айресда бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида кураш турлари «Олимпиада-2020» мусобақаси дастуридан ўрин олгани эълон қилинди.

Маълумотларга кўра, United World Wrestling ташкилотининг дастлабки му-

собақаси сифатида спорт кураши тарихида янги саҳифани очиб берган чемпионатда жаҳоннинг тўқсондан ортқ давлати-дан келган салкам 800 нафар спортчи ўзаро бахслашмоқда. Улар орасида ўнлаб собиқ ва амалдаги жаҳон чемпионларининг борлиги беллашувлар мурасасиз ўтишини таъминламоқда.

Жаҳон чемпионатида спортчиларимиз томонидан қайд этилаётган натижаларга тўхталар эканмиз, мусобақанинг биринчи куниди —70 кг. вазнли эркин курашчимиз Бекзод Абдурахмонов бронза медалига сазовор бўлганини айтиб ўтиш даркор.

Кунни-кеча аёллар ўртасида ўтказиладиган бахсларга старт берилган бўлса, эртага юнон-рум курашчилари гиламга чика бошлайди.

Мусобақа 14 сентябр-га қадар давом этади.

Миллий спортимизнинг Жанубий Кореядаги намоиши

Жорий йилнинг 28 август-1 сентябрь кунлари Жанубий Кореянинг Чинжу шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон жанг санъатлари фестивалида ўзбек жанг санъати усталари умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади

Б.АЙТМУРОДОВ,
ЎЗА муҳбири

Шу муносабат билан Ўзбекистон шарқ яккакуршлари ва жанг санъатларини ривожлантириш марказида ўтказилган матбуот анжуманида мамлакатимиз терма жамоасининг ушбу муваффақияти хусусида сўз юритилди.

Ўзбек жанг санъати федерацияси раиси П.Усмонов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий кадрларимизни тиклаш ва ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар самарасида ўзбек жанг санъати халқаро миқёсда тан олинаётганини таъкидлашди. Мазкур спорт тури билан юрти-мизда 40 мингдан зиёд ўғил-қиз мунтазам шугулланмоқда. Ўзбек жанг санъати федерацияси Жаҳон миллий жанг санъатлари уюшмаси, Жаҳон яккакураш спорт турлари ташкилоти, Халқаро жанг санъатлари ассоциацияси каби нуфузли ташкилотлар аъзосидир.



Муҳаммад АМИН (У.А.) олган сурат

Ўттиздан зиёд давлатдан келган элликка яқин жамоа иштирокида ўтказилган Бутунжаҳон жанг санъатлари фестивалида 28 нафар спортчимиз Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Фестивалда ўзбек жанг санъати усталари «Ватан», «Истиқлол», «Амир Темур», «Мустақил Ўзбекистон» сингари қатор комплекс машқларни намоиш этди. Спортчиларимизнинг кўргазмалли чиқишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан муно-

сиб баҳоланиб, терма жамоамиз мазкур фестивалда иккинчи ўринни эгаллади.

— Нуфузли фестивалда юқори натижага эришганимиздан хурсандмиз, — дейди терма жамоамиз аъзоси Ситора Нишонова. — Халқаро майдонда миллий кадрларимизни кенг намоиш этаётганимиз мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлашга қаратилган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг самарасидир.

Тартибли мамлакатнинг шафқатсиз қонунлари

Маълумотларга кўра, Осиё жануби-шарқдаги шаҳар-давлат — Сингапур қонунлари мувофиқ, ерга туپурган, ахлат ташлаган, жамоат транспортида овқатланган, кўчаларни қоңдага элд равишда кесиб ўтган, шаҳарнинг мумкин бўлмаган жойларида сиретага чекиб турган фуқаролар камда 500 маҳалли доллар миқдорда (тахминан 400 АҚШ доллари) жаримага тортиладилар.

Бир қарашда оддий тартибузарликлар учун нисбатан оғир жазо белгилангандек. Аммо мутахасссларнинг фикрича, айнан шундай шафқатсиз қонунлар эвазига шаҳар озола ва тартиб-интизом ҳукм сурuviча масканга айланган. «Бахтли мамлакатлар рейтингини»да эса митти давлатга иккинчи поғондан (Австралиядан кейин) жой берилган.

Этиборлиси, салкам 5,5 млн. киши истиқомат қиладиган бу юртда гиёҳвандлик молдаларини сотиш, коррупция, давлат сибсатига қарши фаолият юритиш каби оғир жиноятларга қўл урналганга нисбатан жазо жазоси кўлланилади.

Ўз навбатида, Сингапурда «гултувак остидаги ликончада сув қолдирилган» жаримага тортиш» каби антиқа қонунлар ҳам жорий этилганини айтиб ўтиш лозим.

Гап шундаки, шаҳар маъмурияти минтақада тез тарқаладиган юқумли касалликларга қарши курашни мақсадда махсус дастурни ишлаб чиққан. Натияжада мўъжаз мамлакатда безаққа ўхшаш касалликларга буткул барҳам берилган. Сувнинг эса чивиларни қақриши ҳаммага маълум.



Салик ЭСМР олган сурат

«Оҳангарон боғи» файзиёб масканга айланади

Оҳангарон шаҳрида O'zLiDePнинг фаол аъзоларидан бири, талбиркор Шавкат Комилов ташаббуси ва бевосита иштирокида қаровисиз ётган эски парк ўрнида «Оҳангарон боғи» номли янги, замонавий истироҳат маскани барпо этилмоқда. Ҳозирча боғнинг кичик бир қисми битди, холос. Шунга қарамай, юртдошларимизнинг бу жойга гурас-гурас келиб, фарзандлари билан мириқиб ҳордиқ чиқарётганликлари янги боғнинг шаҳардаги энг файзли, тароватли ва гажум гўшалардан бирига айланишидан дарак бераётгандек.

— 4 гектар майдонни эгаллайдиган боғда 20 га яқин турфа аттракцион ўрнатилади, — дейди талбиркор. — Қоқ марказда чиройли фаввора бунёд этилиб, узунасига тушадиган икки ҳибон четлари арча ва бошқа манзарали дарахлар, анвойи гуллар экилади.

Ш.Комиловнинг айтишича, янги боғнинг очилиш маросимини келгуси йили, Истиклол айёми кунларида ўтказиш режалаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, партияимиз электорати вакилларининг бунёдкорликка йўналтирилган шу каби амалий ишлари O'zLiDeP Сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифалар собитқадамлик билан ҳаётта татбиқ этилаётганидан далолат беради. **Б.ИСРОИЛОВ.**

ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИҚМАТДИР ДУНЁ!

«Агар сиз тезроқ муваффақият қозонишни истасангиз, омадсизликларни икки баравар кўпайтиришингиз керак. Муваффақият омадсизликнинг қарама-қарши томонида ётади.»

Томас Ж.УОТСОН.

РЕКЛАМА

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизда тадбиркорлар ва маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга янада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш мақсадида қабул қилинган фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзстандарт» агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда синов ва сертификатлаштириш марказлари томонидан маҳсулотларга стандартлар ишлаб чиқиш, уларнинг синовларини ўтказиш ва мувофиқлик сертификатлари бериш борасида амалий ишлар олиб боришмоқда.

Корхонангизда тайёрланаётган маҳсулотлар синовини ўтказиш ва сертификатлаштириш, шунингдек, импорт товарлар учун мувофиқлик сертификати олиш юзасидан «Тошкент шаҳар синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонасининг online режимда ишлайдиган info@tashsert.uz сайти ёки **(8-371) 267-03-10** рақамли **«Ишонч телефони»** орқали мурожаат қилиб, ўзингизни қизиқтирган барча саволлар ва ташвишга солаётган айрим муаммолар хусусида батафсил маълумотларга эга бўлишингиз мумкин..

Биз Сизнинг хизматингиздамыз, азиз тадбиркорлар!

«Тошкент шаҳар синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси

Хизматлар лицензияланган.

ЗАЗ FORZA

Автомобили для жизни!

Автосалон в Ташкенте
тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99
ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «РОУТАХ»)

www.sardor-avto.uz

Товар сертифицирован.